УзССР Давлат китоб палатаси
Инв. № 8
Гос. книжная палата УзССР
23 МАЙ 1985

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● 118 (19.194). ● 1985 йил 23 май, пайшанба ● Баҳоси 3 тийин.

◆ СОВЕТ — ҲИНДИСТОН ДЎСТЛИГИ АБАДИЙ

◆ АНЪАНАВИЙ ЎЗАРО ФОЙДАЛИ АЛОҚАЛАРНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ ВА ЧУҚУРЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА

◆ КРЕМЛДА СОВЕТ-ҲИНДИСТОН ҲУЖЖАТЛАРИ ИМЗОЛАНДИ

М. С. Горбачев Ражив Ганди билан суҳбатлашди

22 май куни Кремлда КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачев Ҳиндистон Республикаси Вош министри Ражив Ганди билан суҳбатлашди.

Ўзаро ишонч ва ҳамжиҳатлик руҳида ўтган суҳбат чоғида Совет-Ҳиндистон муносабатлари ва халқаро аҳволнинг баъзи масалалари юзасидан фикрлашувлар давом эттирилди.

(ТАСС).

ИДЕОЛОГИЯ ИШИНИНГ МУҲИМ СОҲАСИ

Янги инсонни камол топтириш — коммунистик қурилишнинг муҳим мақсадигина эмас, балки айни пайтда энг зарур шарти ҳамдир. Зотан, Коммунистик партия жамият тараққиёти олға томон қанчалик илдамлаб боргани сари коммунистик қурилишнинг мураккаб вазифаларини фақат омманинг юксак онглилигига эришган тақдирдагина муваффақиятли ҳал этиш мумкин, деб ҳисоблайди. Шу боксдан бугунги кунда совет кишиларини ғоявий-сиёсий, маънавий жиҳатдан, меҳнатсеварлик ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашни такомиллаштириш, улар онгида илмий-материалистик дунёқарашни шакллантириш жуда муҳимдир.

Коммунистлар изчил атеистлардир, аммо улар ўзларининг дунёқарашини ҳеч кимга зўрлаб қабул қилдирмайдилар. Бизнинг тутган йўлимиз совет кишиларини маърифатли қилиш, уларнинг бутун ҳаётида совет турмуш тарзини қарор топтириш, жамият маданиятининг ажралмас хусусияти бўлиб қолган ҳамда диний бўёқлардан ҳоли янги, социалистик анъаналар, урф-одатлар, байрамлар ва маросимларга умрбоқийлик бахш этиш, кишиларни коммунистик идеалларга, социалистик ўзаро муносабатларнинг олижаноблигига ишонтириш, уларнинг онгида ҳақиқий илмий марксча-ленинча дунёқарашни шакллантиришдан иборатдир.

Бизда Улуғ Октябрь социалистик революциясининг жаҳоншумул тарихий ғалабаси туфайли черков давлатдан, мактаб черковдан ажратилиб, диний идеологиянинг ижтимоий ва гносеологик илдизларига барҳам берилгандир. Лекин шунга қарамай жойларда диннинг реакцион моҳиятини кескин фош қиладиган ҳужжатлар илмий-атеистик пропаганда ва тушунтириш ишлари суст олиб борилаётганлиги сабабли ҳали ҳам айрим кишилар онгида ва турмушида диний хурофот ҳамда расм-русмлар сақланиб келаётир. Аҳвол шу даражага бориб етганки, баъзи шаҳар ва районларда кейнинги пайтларда айрим руҳонийлар одамлар ҳаётига сурбетларча аралашмоқдалар. Гоҳида яшаш жойларида, меҳнат коллективларида турли-туман диний маросим ва урф-одатлар бажарилишига йўл қўйилмоқда. Уларга расмий ва сохта расмий руҳонийлар таклиф қилиниб, қанчадан қанча одам ва, шу жумладан, ёшлар ишдан ва ўқишдан қолмоқдалар, иқрофгарчиликка изн берилмоқда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI ва кейнинги пленумларида кескин қоралангандек, жойларда партия ташкилотлари бошдан-оёқ диний характерда бўлган маросимлар ва урф-одатларда коммунистларнинг ҳам қатнаша бошлаганлиги фактлари билан муроса қилиб келмоқдалар. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг навбатдаги мажлисида Сурхондарё область Сариосиё район партия комитети бюросининг аҳолини атеистик руҳда тарбиялаш ишига раҳбарлиги қандай аҳволда эканлиги муҳокама қилинди. Районда идеологик фаолиятнинг бу муҳим соҳасига раҳбарлик бўшаштириб юборилганлиги, ўтмиш қарқитларига қарши курашни кучайтириш бўйича ўз вақтида ва самарали чоралар кўрилмаётганлиги, диний маросимлар ҳақидаги қонунчиликнинг бузилишига йўл қўйилаётганлиги аниқланди. Район партия комитети ва ижроия комитети аҳоли ўртасида диний маросимларнинг ортиқча дабдаба билан ва коммунистлар иштирокида ўтказилаётганлигини гўё билмаганликка олиб келмоқдалар. Марказий Комитет Бюроси райкомнинг биринчи секретари А. Намозов ва халқ депутатлари район Совети ижроия комитети раиси М. Х. Куриязевга жиддий партиявий жазо берди, меҳнаткашларнинг илмий-материалистик дунёқарашини шакллантириш масалаларини ҳамиша диққат марказида тутиш, атеистик тарбияни идеология иши бошқа йўналишлари билан, шунингдек меҳнат коллективларини социал-иқтисодий ривожлантиришнинг конкрет вазифалари билан ўзаро боғлиқ ҳолда олиб бориш республикамиздаги барча партия, совет ва хўжалик органларининг энг муҳим вазифаси эканлигини алоҳида ўқтирди.

Аҳоли ўртасида атеистик тарбиянинг қай даражада олиб борилаётганлиги фақат дунёқарашлар қарама-қаршилиги ҳақида ўқилган лекциялар, ўтказилган суҳбатлар миқдори билан белгиланмайди, албатта. Бу иш жуда ҳам кенг қамровли ва мураккаб эканлигини, унинг кишилар онгидаги психологик ҳолатни, улар хатти-ҳаракатидаги тақлидчилик одатини барҳам топтириб янги коммунистик психология билан, замонавий одатлар билан бойитишдан иборат ижодий жараён эканлигини унутмаслигимиз лозим.

Доҳиймиз Владимир Ильич Ленин таъкидлаганидек, бу иш кишилар онги учун аёвсиз синфий кураш билан тенгдир. Бас шундай экан, айниқса динга ишонувчиларга ғоявий таъсир ўтказишнинг форма ва методларини тубдан яхшилаш, атеистик пропаганданинг ташкилотчи кадрларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш жуда муҳимдир. Диний маросимлар ҳақидаги совет қонунларини бузишга қарши кескин кураш олиб бориш, диний сарқитлар ва хурофотларни тугатишда коммунистлар ва мансабдор шахсларнинг масъулиятини ошириш зарур.

Республикамизда бу борада муайян ибратли ишлар қилинаётганини эътироф этиш мумкин. Тошкент, Фарғона, Сирдарё ва бошқа областларда ёрқин миллий хусусиятларни ўзида мужассамлаштирган ҳосил байрамлари, беш йиллик гвардиячиларнинг шарафлаша, касбга йўлланма беришга, Совет Армияси сафида хизмат қилишга жўнатишга бағишланган бадиий-драматик кечалар, тантанавор никоҳ маросимлари ва шу каби жуда кўплаб тадбирлар мунтазам равишда ўтказиб келинмоқда.

Партия, совет ва касаба союз ташкилотлари, хўжалик органларининг раҳбарлари меҳнаткашларни илмий-атеистик руҳда тарбиялаш борасида қўлга киритилган илғор тажрибани кенг оммалаштиришлари, диний маросимларга, урф-одатларга ва хурофотга қарши курашни ўзларининг энг бирламчи вазифалари деб билишлари керак. Коммунистик қурилишнинг янги инсонни камол топтиришдан иборат жабҳасидаги бу муҳим соҳада либераллик, муросасозлик, ўзибўларчилик энг ярамас иллат эканлигини унутмаслик лозим.

Ҳар бир маҳаллада, кварталда, меҳнат коллективида раҳбар ходимлар, знёлилар, коммунист-пенсионерлар умри тугаган маросимларни ҳаётдан суриб чиқариб, янги атеистик мазмундаги анъаналарнинг собитқадамлик билан жорий этилишида бош-қош бўлишлари керак. Кишилар онгидаги диний сарқитларга қарши кураш, янги урф-одатлар ва маросимларни пропаганда қилиш ҳамда уларни меҳнаткашларнинг турмушига жорий этиш юзасидан область, шаҳар ва район жамоатчилик кенгашларининг, уларга кўмаклашувчи группалар ва комиссияларнинг ишини тубдан жонлантириш керак. Партия ташкилотлари жойларда революцион байрамлар, унутилмас саналар билан боғлиқ ижтимоий-сиёсий маросимларни ривожлантиришга ҳамда уларнинг аҳолини атеистик руҳда тарбиялаш борасидаги потенциалини оширишга алоҳида аҳамият беришлари шарт. Замон синовидан ўтган, доно, эзгу ва ибратли жиҳатларга бой меҳнат анъаналари замонавий асосда қайта тикланиши ва кенг ёйилиши керак. Бу — идеология ишининг энг муҳим соҳаси эканлигини бир зум ҳам унутмаслик шарт.

НОМЕРГА ТЕЛЕГРАММА

ОБЛАСТДА БИРИНЧИ

ТЕРМИЗ [«Совет Ўзбекистони» мухбиридан телефон орқали]. КПССнинг XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартияси XXI съезди шарафига социалистик мусобақани эвж олдириб юборган Жарқўрғон районн пиллакорлари Сурхондарё областида биринчи бўлиб ғалаба рапортига имзо чекдилар. Улар йиллик планни беш иш кунида уддалаб, давлатга 136 тонна эъло сифатли пилла сотдилар.

Район «кумуш тола» ижодкорлари пландан ташқари ҳар қути қурт уруғидан яна 8 килограммдан жами 15 тонна пилла топшириш ва ялпи ҳосилни 150 тоннага етказиш мажбуриятини олдилар.

ДЎСТЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИК МУҲИТИДА

21 май куни Кремлда КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачев билан Ҳиндистон Бош министри Ражив Гандининг музокаралари бўлиб ўтди. Музокараларда:

Совет томонидан — КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Тихонов, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР мудофаа министри С. Л. Соколов, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари И. В. Архипов;

Ҳиндистон томонидан — молия министри В. П. Сингх, Ҳиндистон ташқи ишлар министрлиги сиёсий планлаштириш комитетининг раиси Г. Партхасаратхи, давлат энергетика министри А. Неру, Бош министрнинг парламент ишлари билан шуғулланувчи секретари А. Сингх, Бош министрнинг парламет ишлари билан шуғулланувчи секретари О. Фернандес қатнашдилар.

Дўстлик ва тўла ҳамжиҳатлик муҳитида ўтган музокаралар чоғида Совет — Ҳиндистон муносабатларининг энг муҳим масалалари, шунингдек актуал халқаро проблемалар муҳокама қилинди.

Совет Иттифоқи билан Ҳиндистон ўртасида тинчлик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартноманинг мустаҳкам негизида муваффақиятли ривожланаётган Совет — Ҳиндистон муносабатларининг юксак даражаси, самарадорлиги ва ҳар томонлама характери хусусида чуқур мамнуният изҳор этилди. Иккала томон ҳар икки мамлакат халқларининг фаровонлиги ва ялпи тинчлик манфаатлари йўлида шу муносабатларни ҳар томонлама ривожлантириш ва мустаҳкамлашга қаратилган муттасил куч-ғайратларни бундан буён ҳам давом эттираверишга интилишини тасдиқлади.

М. С. Горбачев билан Р. Ганди Ҳиндистон Бош министрининг ушбу визити давомида имзоланадиган ҳужжатлар — 2000 йилгача савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорликнинг асосий йўналишлари тўғрисидаги битим ҳамда Ҳиндистонда бир қанча конкрет объектларни барпо этишдаги иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик ҳақидаги битим СССР билан Ҳиндистон ўртасидаги анъанавий ўзаро фойдали алоқаларни янада кенгайтириш ва чуқурлаштириш учун принципиал аҳамиятга эга бўлишини уқтириб ўтдилар. Бу битимлар самимий дўстлик ришталари орқали боғланган икки улуғ давлат ўзаро алоқаларининг янги уфқларини очиб беради.

Дунёдаги аҳволни муҳокама қилиш пайтида халқаро кескинлик сақланиб қолаётганлигидан, қуролланиш пойгаси, айниқса ядровий қуролланиш пойгаси тўхтовсиз давом этаётганлигидан, бу пойганинг космик фазога ёйилиши хавфи ошаётганлигидан ташвиш изҳор этилди. Совет Иттифоқи билан Ҳиндистон ердаги қуролланиш пойгасини дарҳол тўхтатиш ва космосда бу пойгага йўл қўймаслик муҳимлигини таъкидладилар.

Музокараларнинг қатнашчилари қуролланиш пойгасини тўхтатиш тўғрисидаги, қуролсизланиш ҳақидаги музокаралардан оммавий қирғин қуроли запасларини янада кўпайтиришни ниқоблаш учун фойдаланиш йўлидаги ҳар қандай уринишларни кескин қораладилар.

Совет томони олти мамлакат давлат ва ҳукумат бошлиқларининг пировард натижада ядро қуролини инсоният турмушидан соқит қилишга қаратилган ташаббусларини қўллаб-қувватлашини билдирди.

Осиё — Тинч океан регионидаги жуда кенг зоналарни «ўз ҳаётий манфаатлари соҳалари» деб эълон қилган империализм кучларининг экспансиячилик сиёсати натижасида шу региондаги кескинлик кучайиб бораётганлигидан хавотирлик билдирилди, ҳарбий базалар кенгайтирилиши ва АҚШ қуролли кучлари кўпайтирилиши натижасида Ҳинд океани ҳавзасида жуда хатарли вазият сақланиб қолаётганлиги қайд этилди. СССР билан Ҳиндистон Жанубий-Ғарбий Осиё мамлакатларининг ички ишларига ташқаридан аралашувга қарши чиқаётганликлари, бу ердаги аҳволни шу регион давлатларининг суверен ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, ялпи тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш манфаатлари йўлида ҳеч кечиктириб бўлмайдиган сиёсий йўл билан изга солиш ишини қўллаб-қувватлаётганликлари уқтириб ўтилди.

Жанубий-Шарқий Осиёдаги аҳвол ҳақидаги фикрлашувлар чоғида музокараларнинг қатнашчилари шу ерда жойлашган мамлакатлар ўртасидаги амалий мулоқот, мавжуд проблемаларни тинч йўл билан ўзаро мақбул тарзда ҳал этиш йўлларини қидириш — аҳволни изга солишнинг бирдан-бир оқилона йўли эканлигига ишонч билдирдилар. Совет томони Ҳиндистон билан Ҳинди-Хитой давлатлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари Жануби-Шарқий Осиёдаги вазиятга хайрли таъсир ўтказаётганини таъкидлади.

Марказий Америкадаги вазиятни кўриб чиқиш пайтида ўз ватани мустақиллигини ҳимоя қилиш учун курашаётган Никарагуа халқини қўллаб-қувватлаш барча антиимпериалистик ва тинчликсевар кучларнинг муҳим вазифаси эканлиги таъкидланди.

Иккала томон дунёдаги вазиятни соғломлаштириш соҳасидаги ялпи куч-ғайратларда, империализмга, эски ва янги мустамлакачиликка, ирқчиликка ва апартеидга қарши қурашда қўшилмаслик ҳаракатининг роли ошиб бораётганлигини мамнуният билан уқтирди. М. С. Горбачев Ҳиндистоннинг қўшилмаслик ҳаракати бирлигини мустаҳкамлашга ва унинг халқаро салмоғини оширишга катта ҳисса қўшаётганлигини юқори баҳолади ҳамда шу ҳаракатнинг энг обрў-эътиборли раҳбарларидан бири ва ҳозирги раиси бўлмиш Ҳиндистон тинчлик, қуролсизланиш, ядро урушининг олдини олиш учун, империализмнинг агрессив муддаоларига қарши курашда бу ҳаракатни янада активлаштиришга бундан буён ҳам кўмаклашаверади, деб ишонч билдирди.

Р. Ганди Совет Иттифоқининг тинчликсевар амалий сиёсати ҳозирги халқаро шароитда халқлар тинчлиги ва хавфсизлигини таъминлашнинг энг муҳим омилларидан бири бўлиб турганлигини уқтириб ўтди; у Совет Иттифоқининг қуролсизланиш проблемаларини ҳал этишга ва халқаро вазиятни соғломлаштиришга қаратилган ташаббусларини ижобий баҳолади.

Музокараларнинг қатнашчилари олий даражадаги мунтазам алоқаларнинг иккала мамлакат ўртасидаги дўстлик ва ишонч муносабатларини мустаҳкамлашнинг муҳим қуроли сифатидаги принципиал аҳамиятини таъкидладилар. Бундай алоқалар дўстона муносабатларнинг бутун комплексини бундан буён олға силжитишга кўмаклашиши, СССР билан Ҳиндистоннинг ялпи тинчлик ва хавфсизликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш учун қурашдаги куч-ғайратлари таъсирчанлигини ошириши уқтириб ўтилди. Р. Ганди М. С. Горбачевни ўзи учун қулай вақтда дўстлик визити билан Ҳиндистонга боришга қилинган таклифни яна такрорлади. Таклифнома миннатдорчилик билан қабул қилинди.

(ТАСС).

Музокаралар пайти.

ДЎСТОНА ВАЗИЯТДА

Совет раҳбарлари 21 май куни Катта Кремль саройида Ҳиндистон Республикасининг Бош министри Р. Ганди шарафига зиёфат бердилар.

Р. Гандига ҳамроҳ бўлиб келган Ҳиндистон давлат арбоблари у билан бирга бўлдилар.

Совет томонидан зиёфатда М. С. Горбачев, Н. А. Тихонов, А. А. Громико, Б. Н. Пономарев, С. Л. Соколов, И. В. Архипов, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари, СССР министрлари, СССР давлат комитетларининг раислари, бошқа расмий кишилар ҳозир бўлдилар.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев зиёфатда нутқ сўзлади.

М. С. ГОРБАЧЕВ нутқи

Муҳтарам Бош министр жаноблари!

Муҳтарама Ганди хоним!

Қадрли ҳинд дўстлар!

Ўртоқлар!

Биз Москвада Бош министрни ва унга ҳамроҳ бўлиб келган мамлакат вакилларини қувонч билан табриклаймиз, бу мамлакатга Совет Иттифоқида зўр ҳурмат билан қаралмоқда. Совет ва ҳинд раҳбарларининг учрашувлари доимо самимийлик ва сиддиқиллик, юксак даражадаги ишонч ва ҳамжиҳатлик руҳида ўтади. Бу учрашувлар мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришга, Осиёдаги ва умуман дунёдаги вазиятга хайрли таъсир қилади.

Йиллар ва ўн йиллар ўтмоқда, мамлакатларимизда авлодлар ўрнини янги авлодлар эгалламоқда, аммо СССР билан Ҳиндистон ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари муттасил ривожланиб бормоқда. Бунинг сабаби шуки, муносабатларимиз тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро ҳурмат асосига, иккала мамлакатнинг ҳозирги замон туб проблемалари хусусидаги позициялари бир-бирига мослиги ва яқинлиги асосига қурилади.

Бизнинг Ҳиндистон билан ҳамкорлигимиз бирон-бир тазйиққа, қандайдир шартларни тиқиштиришга тобе эмас, эндиликда бу ҳамкорлик салмоқли даражага кўтарилди. Совет Иттифоқи Ҳиндистоннинг ўз мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлидаги кураши ҳамма босқичларида уни муттасил қўллаб-қувватлаб келди, ўз суверенитети, қадр-қимматини, мустақил ривожланиш йўлига эга бўлиш ҳуқуқини қаттиқ туриб ҳимоя қилаётган шу улуғ мамлакат билан амалий бирдам эканини билдириб келди ва билдирмоқда.

Биз Ҳиндистон билан ҳамкорликнинг ҳар қандай соҳасида ўз ихтиёримиздаги энг яхши нарсаларни у билан дўстона баҳам кўриб келаяпмиз. СССР билан Ҳиндистон ўртасидаги иқтисодий алоқалар уни ривожлантиришнинг — то оғир саноат негизларини вужудга келтиргунга қадар, ёки ёқилғи-энергетика комплексини барпо этгунга қадар — ҳар бир конкрет тарихий давр учун энг муҳим проблемаларини ҳал этишга кўмаклашганлигидан ғоят мамнунлигимизни изҳор қиламиз. Ҳозир ҳам биргаликдаги лойиҳаларимиз рўйхатидаги ишларнинг рўёбга чиқарилиши янги аср бўсағасида Ҳиндистоннинг экономикасини ривожлантиришга ва унинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашга шак-шубҳасиз муносиб ҳисса қўшади.

Совет — Ҳинд қўшма экипажи космосга муваффақиятли парвоз қилганлиги ҳам илмий-техникавий алоқаларимизнинг юксак самарадорлигидан, таъбир жоиз бўлса, катта потенциал имкониятларидан далолат беради.

Иккала мамлакат маданий ҳамкорлигининг кенглиги ва хилма-хиллиги халқларимиз бир-бирининг бой маданиятига анъанавий тарзда ўзаро қизиқаётганликларини, уларнинг муайян маънавий яқинлигини акс эттиради.

(Давоми иккинчи бетда).

Совет-Ҳиндистон ҳужжатлари имзоланди

22 май куни Кремлда Совет-Ҳиндистон ҳужжатлари имзоланди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев билан Ҳиндистон Республикасининг Бош министри Р. Ганди: Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи билан Ҳиндистон Республикаси ўртасида 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган иқтисодий, савдо ва илмий-техникавий ҳамкорликнинг асосий йўналишлари тўғрисидаги битим;

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи билан Ҳиндистон Республикаси ўртасида иқтисодий ва техникавий ҳамкорлик тўғрисидаги битимни имзоладилар.

Битимларни имзолаш пайтида:

Совет томонидан — Г. А. Алиев, В. И. Воротников, В. В. Гришин, А. А. Громико, Е. К. Лигачев, Н. И. Рижков, М. С. Соломенцев, Н. А. Тихонов, В. М. Чебриков, П. Н. Демичев, В. И. Долгих, В. В. Кузнецов, Б. Н. Пономарев, С. Л. Соколов, М. В. Зимянин, И. В. Капитонов, В. П. Никонов, К. В. Русаков, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари И. В. Архипов, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Г. И. Марчук, бир қанча министрликлар ва идоралар нинг раҳбарлари, бошқа расмий кишилар;

Ҳиндистон томонидан — молия министри В. П. Сингх, Ҳиндистон ташқи ишлар министрлиги сиёсий планлаштириш комитетининг раиси Г. Партхасаратхи, энергетика давлат министри А. Неру, Бош министрнинг парламент ишлари билан шуғулланувчи секретарлари А. Сингх, О. Фернандес, Ҳиндистоннинг бошқа давлат арбоблари ҳозир бўлдилар.

(ТАСС).

ҲУШЁРЛИК—ҲАЁТ НОРМАСИ

«Тошкент трактор заводи» бирлашмаси 26-механика-йиғув цехи коммунистлари, ишчилари 22 май куни бўлиб ўтган очиқ партия йиғилишида худди шундай дедилар. Йиғилиш қатнашчилари КПСС Марказий Комитетининг «Ичкиликбозлик ва алкоголизмни бартараф этиш чоралари тўғрисида»ги қарорини бажариш юзасидан цех партия ташкилотининг вазифаларини муҳокама қилдилар.

Завод коммунистлари, барча ишчилари КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Советининг ичкиликбозлик каби хавфли социал иллатни таг-туги билан тугатишга қаратилган қарорларини ва СССР Олий Совети Президиумининг Фармонини қизғин маъқуллаб кутиб олганликлари йиғилишда таъкидлаб ўтилди. Партия ва жамоат ташкилотларининг ташкилотчилик ва ғоявий-сиёсий ишлари кучайтирилганлиги туфайли заводда беш йиллик бошидав буён прогуллар сони 3,5 баравар, жамоат тартибини бузиш ҳоллари деярли беш баравар камайди. Бунда цех партия ташкилотининг ҳам роли катта бўлди.

Бироқ йиғилишда сўзга чиққан майда чўян деталлар участкасининг бригадири А. Мамиров, слесарь А. Апекишев, слесарь, цех комсомол бюросининг аъзоси А. Турсунов ва бошқалар ҳотиржамликка берилиш мумкин эмаслигини таъкидлаб ўтдилар. Шу йилнинг тўрт ойи давомида цехда ўн бир киши прогул қилди, уларнинг айби билан 33 киши куни йўқотилди. Меҳнат интизомини бузувчиларгина эмас, прогул қилмасалар ҳам алкоголли ичимликларни суиистеъмол қилиб цехга бош оғриғи билан келаётганлар ҳам ишлаб чиқаришга зарар етказмоқдалар. Бундай кишиларда меҳнат унумдорлиги ва бажариладиган иш сифати пасайиб кетади. Уларнинг айби билан кўпинча ускуналар, асбоблар синиб қолмоқда, материаллар бузилмоқда. Бундай кишилардан умумий иш, бутун коллектив зарар кўрмоқда.

Ичкиликбозларга нисбатан фақат тарбиявий чоралар кўрибгина қолмай, қаттиқ маъмурий чораларни ҳам кўришни йиғилиш қатнашчилари талаб қилиб чиқдилар. Бу ўринда ишчиларнинг ўзларқ ҳам, бригадалар ҳам кўп иш қилиши лозим. А. Мамиров ўз нутқида шундай мисолни келтирди: фрезерчи Бикбулатов прогул қилди. Унинг бу хатти-ҳаракатини бригада муҳокама қилиб, икки ойга унинг меҳнатда иштирок этиш коэффициентини 0,5 гача камайтиришга, квартал мукофотидан тўла маҳрум этишга қарор қилди. Интизомни бузувчи бу сабоқни узоқ вақт ёддан чиқармайди.

Йиғилишда оилада ичкиликбознинг борлиги болалар учун ҳам ва бутун оиладагилар учун ҳам фожиа эканлиги ҳақида гапирилди. Одатда, ичкиликбозлик оиланинг бузилиб кетишига олиб келади. Афсуски, бундай ҳоллар юз бериб турибди.

— Орамизда ичкиликбозлар ва алкоголиклар бўлмаганда эди, кўпгина оилалар енгил нафас олган, қанчадан қанча болаларнинг чеҳрасида табассум пайдо бўлган бўлур эди, — деди цех партгруппаси ташкилотчиси, пармаловчи Р. Муслимова. — Биз кураш олиб боришимиз лозим бўлган инсоний омил, асосий резерв ана шундан иборат.

Йиғилишда ёшлар тарбиясига алоҳида эътибор берилди, цехда эса ёшлар 200 кишидан ҳам кўп. Улар орасида ишлаб чиқариш илғорлари, зарбдорлар бор. Бироқ асосан равишда ичкиликбоз ва прогулчи, деб аталаётганлар ҳам бор. Коммунистлар ёшлар билан иш олиб боришда кўпроқ маҳорат кўрсатиш, бўш вақтни қандай ўтказиш масалалари билан чуқурроқ шуғулланиш, ётоқхоналар ёнида спорт майдончалари, уйжой микрорайонида эса маданият саройи қурилишини тезлаштириш, дам олиш зонасини кенгайтириш зарурлиги тўғрисида гапирдилар.

Цех коммунистлари қабул қилган қарорда ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши курашни кучайтиришнинг, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлашнинг конкрет тадбирлари белгиланган. Бу тадбирларни амалга ошириш умумий ишдир. Бироқ бу аввало, ичкиликбозлик иллатига қарши курашда муросасиз бўлиш намуналарини кўрсатиши, ичкиликбозликни бартараф қилишда актив позицияда туриши лозим бўлган коммунистларнинг ишидир.

Йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев нутқ сўзлади.

(ЎзТАГ).

ДЎСТОНА ВАЗИЯТДА

(Боши биринчи бетда).

Бироқ эришилган натижаларнинг миқёслари олға томон бундан буён қилинадиган ҳаракатнинг мавжуд катта имкониятларини хиралаштирмаслиги керак. Бугунги музокаралар давомида иккала томон шундай қилиш муддаосини изҳор этди. Биз ҳамкорлигимизни биргаликда кўп соҳаларда сифат жиҳатидан янги поғонага бемалол кўтара оламиз.

Уруш хавфини тугатиш ва қуролланиш пойгасини тўхтатиш ишида СССР билан Ҳиндистоннинг бир ўзандан бораётган куч-ғайратлари алоҳида ўрин олади. Мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик халқаро муносабатларнинг бутун системасида тобора муҳим самарали роль ўйнаётганлиги билан ҳисоблашмаслик мумкин эмас. Улар ўз намунаси кучи билан тинчтотув яшаш принципларини қарор топтиришга кўмаклашмоқдалар, барча халқларнинг тинчлиги ва хавфсизлигини мустаҳкамлашни кўзлаб ишламоқдалар. Бизнинг тинчлик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномамиз шу мақсадларга яхши хизмат қилмоқда.

Барча халқлар тинчлик ва тараққиётга интилмоқда, улардан биронтаси урушни хоҳламайди. Бироқ бошқа мақсадларни кўзлаётган кучлар бор. Бу кучлар бошқаларнинг ҳаққоний манфаатлари билан ва ҳозирги дунёнинг сиёсий реалликлари билан ҳисоблашишни хоҳламаяптилар. Мана шу кимсалар ҳарбий устунлик жазаваси сингa тушиб, дунёни қуролланиш пойгасининг миқёслари жиҳатидан мисли кўрилмаган яна бир даврасига дучор этдилар, бу давра назорат қилиб бўлмайдиган жараёнларни келтириб чиқарадиган сифат жиҳатидан янги паллага ўтиш хавфини туғдирмоқда.

Масалан, Вашингтондагилар пардалаш мақсадида «мудофаа ташаббуси» деб тасвирлашга уринаётган «самовий урушлар» деган машъум программа халқларга нима келтира олади? Аввало, ядро уруши чиқиш хавфини анча ошириши мумкин. Бу нарса қуролсизланиш масалалари хусусида аҳдномага эришиш имкониятларини кескин камайтириб юборади, албатта. Қуролланиш пойгаси, шу жумладан ядровий қуролланиш пойгаси ўтхонасига қўшимча равишда жуда катта маблағ ташланади. Ҳолбуки, бу маблағ инсониятни тинч ривожланиш манфаатларига, шу жумладан қашшоқлик ва очликни, касаллик ва саводсизликни тугатиш сингари етилган муаммоларни ҳал этишга хизмат қилиши мумкин бўлур эди.

Шу боисдан космосни ҳарбийлаштиришнинг олдини олиш муаммоси барча мамлакат ва халқларнинг манфаатларига даҳлдордир, ҳеч кимни четлаб ўтмайди. Модомики, шундай экан, вақт ғаниматида, юпатувчи баёнотлар ниқоби остида ҳали қайтариб бўлмайдиган вазият вужудга келмасдан бурун, барча тинчликсевар давлатлар бу янги хавфга қарши эканликларини баралла айтишлари лозим, деб ўйлаймиз.

Осиё, Африка ва Лотин Америкасидаги ўнлаб давлатлар жаҳон майдонига чиқиб, мустамлакачиликнинг ҳалокатли қибатларини бартараф этишга интилаётганликлари ҳозирги дунёнинг реалликларидан биридир. Уларнинг аксарияти қўшилмаслик сиёсатига амал қилмоқда. Қўшилмаслик ҳаракатининг вужудга келиши, у жаҳон сиёсатининг муҳим омилига айланганлиги — ҳозирги замоннинг қонуниятли ҳодисасидир. Озодликка чиққан халқлар давлатларнинг тенг ҳуқуқли ҳамкорлигига, ўзларининг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини бошқалар эътироф қилишига, ҳукмронлик ва буйруқбозлик, гегемонияни даъво қилишнинг ҳар қандай кўринишларини халқаро турмушдан қоқит қилишга интилаётганлиги мана шунда ўзининг яққол ифодасини топмоқда.

Хуллас, озодликка чиққан мамлакатлар ўзларининг фойда ундириб олинадиган бир манба, деб қаралишини, уларнинг территориясида ҳарбий базалар ва таянч пунктлари жойлаштирилишини хоҳламайдилар. Бу мамлакатларнинг муддаосини тушуниш мумкинигина бўлиб қолмай, лозим ҳамдир. Уларнинг ўзларидан ҳатто сўраб ҳам турмай, кимларнингдир «ҳаётий манфаатлари» соҳалари деб эълон қилаётган эканлар, буни мазкур мамлакатларнинг манфаатларини эътиборга олишдан асар ҳам йўқ деса бўлади. Уларнинг манфаатлари умуман эътибордан четда қолдирилмоқда.

Ҳозирги шароитда Ер куррасининг турли районларидаги можаролар нақадар катта хавф туғдираётганлиги ҳақида кўп гапиришнинг ҳожати йўқ. Чуқурроқ назар ташланадиган бўлса, доимо империалист давлатларнинг озодликка чиққан мамлакатлар ишларига бирон бир тарзда аралашиш, уларни ўз таъсирига бўйсундириш йўлидаги уринишлари шу можаролар замирида ётганлигини пайқаб олиш қийин эмас. Дунёдаги кўпгина кескинлик манбалари вужудга келишига «ўта буюк давлатларнинг рақобати» деб аталган машъум баҳона эмас, балки айни империалист давлатларнинг мана шу кирдикорлари сабаб бўлмоқда.

БМТ Хавфсизлик Кенгашининг ҳар бир доимий аъзоси шу қитъалардаги мамлакатлар билан муносабатларда аралашмаслик, куч ишлатмаслик ёки куч ишлатиш билан дўқ қилмаслик ҳамда уларни ҳарбий блокларга жалб қилмаслик принципларига қатъий риоя этиш мажбуриятини олиши сингари тадбир Осиё, Африка ва Лотин Америкасидаги кескинлик манбаларини тугатишга ва бир қанча можароларни тинч бартараф этишга кўмаклашган бўлур эди, деб ўйлаймиз. Совет Иттифоқи ўз зиммасига шундай мажбурият олишга тайёр. Бу бизнинг ташқи сиёсатимиз принципларига мутлақо мос бўлиб тушади.

«Кескинликни юмшатиш» тушунчаси Европада вужудга келди. Хельсинкида тарихий ҳужжат имзоланган кунга ўн йил тўлай деб қолди. Бу ҳужжатда халқлар шу катта, мазмунли иборага киритган маънонинг ҳаммаси жамлаб берилган эди. Океан нари ёғидан эсган совуқ шамоллар шу ҳужжат асосида қурилган кўп нарсаларни вайрон қилди. Аммо кўплари бардош бериб, яшаб қолди, чуқур илдиз отди, халқларга сезиларли фойда келтирмоқда.

Ҳозир Осиёда тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш муаммолари, эҳтимолки, Европадагидан кам эмас, айрим районларда эса ҳатто тағин ҳам ўткир ва қалтис бўлиб турибди. Шу сабабли кейинги йиллар мобайнида Осиё қитъаси ва унинг айрим регионлари хавфсизлигининг баъзи жиҳатлари юзасидан бир қанча муҳим амалий ташаббуслар кўтариб чиқилганлигининг сабаблари равшан. Шу ташаббусларнинг авторлари орасида социалистик давлатлар, қўшилмаслик ҳаракатининг қатнашчилари бор. СССР билан Ҳиндистон ҳам шулар жумласига киради.

Ўртага қўйилган таклифлар халқаро турмушнинг кун тартибида турибди. Масалан, Ҳинд океанини тинчлик зонасига айлантириш тўғрисидаги таклифни БМТ Бош Ассамблеяси ва қўшилмаслик ҳаракати, шу жумладан, бу ҳаракатнинг яқинда Деҳлида бўлиб ўтган конференцияси қўллаб-қувватлади. Осиё қитъасида жойлашган иккала ядровий давлат — СССР ва ХХР ядро қуролини биринчи бўлиб ишлатмаслик мажбуриятларини ўз зиммаларига олганлиги фактига ҳам муносиб баҳо бермоқ керак.

Шундай бир савол туғилади: мана шу ташаббусларнинг ҳаммасини, шунингдек бирон-бир тарзда Европанинг тажрибасини ҳам эътиборга олиб, Осиёдаги хавфсизлик муаммосига ёппасига, комплекс ёндашиш ҳақида ва Осиё давлатларининг бу соҳадаги куч-ғайратларини бирлаштириш имконияти ҳақида ўйлаб кўрса бўлмайдими? Бунга эришиш йўли мураккаб, албатта. Аммо, Хельсинкига бориш йўли ҳам силлиқ ва текис бўлмаган эдику. Бу соҳада, чамаси, турли усуллар — икки томонлама музокаралар ҳам, кўп томонлама маслаҳатлашувлар ҳам — то келгусида фикрлашиб олиш ва амалий қарорларга келиш йўлларини биргаликда излаш учун бирон бир умумосиё анжуманини ўтказиш мумкин бўлур эди.

Бир нарса шак-шубҳасиз: тинчлик ва тинч ҳамкорликни таъминлашдан Осиё халқлари бошқа ҳар қандай қитъанинг халқларидан кўра камроқ манфаатдор эмас ва улар бу мақсадга эришиш учун кўп иш қилишлари мумкин.

Осиё мамлакатларида ҳам, бутун дунёда ҳам зўр обрў-эътибор ва ҳурмат қозонган улуғ давлат — Ҳиндистон бу жараёнда ғоят муҳим роль ўйнаши мумкин, деб ўйлаймиз.

Биз Ҳиндистоннинг тинчлик ва халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш ишига, бу соҳада қўшилмаслик ҳаракатининг ролини оширишга бўлган барча умидларимиз тинчлик билан боғланган. Махатма Ганди, Жавоҳарлал Неру ва Индира Гандидан илҳомланиб, биз феодализм ва империалистик ҳукмронлик асрлар мобайнида халқимиз елкасига ортган оғир юкни улоқтириб ташлаш учун куч-ғайрат сарфламоқдамиз. Биз социализм ва адолатли социал тузум ишига содиқмиз. Ҳиндистон мустақилликни курашиб қўлга киритган вақтдан буён экономикани ривожлантириш соҳасида жуда катта муваффақиятларга эришди. Биз дон етиштиришда ўзимизни ўзимиз тўла таъминлайдиган бўлиб қолдик ва замонавий саноат жамиятига асос солдик. Биз олимларимиз ҳамда техник мутахассисларимизнинг кўпгина илғор соҳалардаги ишлари билан ва бу ишлар замонавий тармоқларда қўлланилаётганлиги билан фахрланамиз.

Р. ГАНДИ нутқи

Бош секретарь Горбачев, Горбачева хоним!

Жаноби олийлари, Совет иттифоқилик муҳтарам дўстларимиз!

Мана шу тарихий жойда ва содиқ дўстлар орасида яна бўлиш мени мамнун этмоқда ва бу мен учун катта шарафдир. Рафиқам билан мени самимий кутиб олганликларингиз ва меҳмоннавозлигингиз учун сизлардан ғоят миннатдормиз. Совет раҳбарининг Ҳиндистонга ва Ҳиндистон намояндасининг Совет Иттифоқига қиладиган ҳар бир визити — буюк халқларимиз ўртасида мавжуд бўлган ва тинчликка кўмаклашаётган қалин дўстликни мустаҳкамлаш йўлида қўйилган яна бир қадамдир. Чунки тинчлик цивилизацияни жуда бойитган халқларимизга йўл кўрсатиб турган ёркин юлдуздир. Бизнинг мамлакатларимиз инсоният учун порлоқ келажак таъминланишини истайди. Биз одамлар қаерда бўлмасин, дақшат ва хавотирликдан қийналмасликларини хоҳлаймиз.

Ҳар бир идеал ишончни, меҳнат ва қурбонларни талаб этади. Совет халқи ўзининг янги давлатини барпо этганида ва кейинчалик у фашист босқинчиларидан ўз мустақиллигини ҳимоя қилганида бу халқ нақадар катта қурбонлар берганлигини дунё билади. Сизлар яқиндагина фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 40 йиллигини нишонладингиз. Икки йилдан кейин сизлар Октябрь революциясининг 70 йиллигини байрам қиласизлар. Биз Ҳиндистонда бу йил Ҳиндистон Миллий Конгрессининг юз йиллигини нишонлаймиз, Ҳиндистон Миллий Конгресси озодлигимиз йўлидаги курашга бошчилик қилган эди. Сизларнинг халқингиз тарихий жангларда ўз сафларидан кўпдан-кўп қаҳрамонларни етиштирди. Империализмга қарши куч ишлатмай гражданлик қаршилиги қуроли билан курашган пайтимизда бизнинг Ҳиндистонда ҳам худди шундай бўлган эди. Халқимиз янги Ҳиндистонни барпо этиш ва бирлигимизни мустаҳкамлаш жараёнида мислсиз қийинчиликларни бошидан кечирди.

Мен Индира Ганди хоним тўғрисида айтган сўзларингиздан ҳаяжонландим. У Ҳиндистон халқи бахт-саодати йўлида яшади ва меҳнат қилди, лекин у бошқа мамлакатлар халқларининг тақдири билан ҳам яшади. Унинг мақсади ўз имкониятларини рўёбга чиқариб, яхшироқ дунёни барпо этишда ўз ролини ўйнай оладиган Ҳиндистонни вужудга келтиришдан иборат эди. Миллионлаб кишилар уни қизғин севарди, аммо баъзилар муросасиз бўлиб қолаверди. Унинг вафоти нафратга асосланган зўравонлик инсониятнинг асосий душманларидан бири эканлигини доим эслатиб туради. Унинг вафоти мустаҳкам илдиз отган жаҳолат ва эскича фикрлаш тарзи янги тузумга солаётган хавф-хатарни ҳам таъкидлайди.

Совет халқининг тинчлик ишига содиқлиги унинг идеалларидан келиб чиқади, шунингдек бошқа биронта халқ урушдан шу қадар кулфат чекмаганлиги билан изоҳланади. Биз, Ҳиндистондагилар ҳам тинчлик ишига астойдил содиқмиз, чунки бизнинг яхши турмушга бўлган барча умидларимиз тинчлик билан боғланган. Махатма Ганди, Жавоҳарлал Неру ва Индира Гандидан илҳомланиб, биз феодализм ва империалистик ҳукмронлик асрлар мобайнида халқимиз елкасига ортган оғир юкни улоқтириб ташлаш учун куч-ғайрат сарфламоқдамиз. Биз социализм ва адолатли социал тузум ишига содиқмиз. Ҳиндистон мустақилликни курашиб қўлга киритган вақтдан буён экономикани ривожлантириш соҳасида жуда катта муваффақиятларга эришди. Биз дон етиштиришда ўзимизни ўзимиз тўла таъминлайдиган бўлиб қолдик ва замонавий саноат жамиятига асос солдик. Биз олимларимиз ҳамда техник мутахассисларимизнинг кўпгина илғор соҳалардаги ишлари билан ва бу ишлар замонавий тармоқларда қўлланилаётганлиги билан фахрланамиз.

Биз яна ҳам анча тезроқ ҳар томонлама ривожланиш бўсағасида турибмиз.

Жавоҳарлал Неру билан Индира Ганди бизга кўрсатиб берган миллий ривожланиш йўли социал шароитларимизга жуда мос келади. Бу йўлнинг тўғрилиги эришилган натижалар билан исботланди. Биз бундан буён ҳам ўз кучимизга таяниш потенциалини яратиш йўлидан боравермиз, ривожланиш жараёнида давлат секторига энг муҳим ролни ажратиб, аввало, халқ эҳтиёжлари тўғрисида ғамхўрлик қиламиз. Биз қишлоқ хўжалигини, энергетика, транспорт ва алоқани ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлаш юзасидан катта программаларни амалга оширишга киришиб, қишлоқларимиз аҳолиси учун янги иш жойларини вужудга келтирмоқдамиз ва халқимизнинг бунёдкорлик потенциалидан фойдаланиш учун янада тўлиқроқ имкониятларни таъминламоқдамиз. Инсонни камол топтириш ҳамда жамиятни ривожлантириш каби ҳаётий муҳим соҳада биз маориф ва соғлиқни сақлаш ишига тобора кўпроқ эътибор бермоқдамиз.

Бу жараён асосан халқимизнинг куч-ғайрати билан амалга оширилмоқда. Аммо бизга дўстлар ёрдам бермоқдалар, албатта. Бизнинг иқтисодий ривожланишимизга Совет Иттифоқи бераётган муҳим ва принципиал мадад учун астойдил миннатдормиз. Биз шу ҳамкорликни тез кенгайтиришга интилмоқдамиз. Биз савдо ва иқтисодий алоқаларни мамлакатларимизнинг эҳтиёжларини, экономикаларининг чеклашуви ва потенциалини ҳисобга олиб, барқарор ва узоқ муддатли ривожлантиришдан манфаатдормиз — ҳамкорликнинг янги соҳалари ва механизмларини вужудга келтириш зарур. Иқтисодий, илмий ва маданий ҳамкорлик имкониятлари ғоят катта. Совет Иттифоқи билан Ҳиндистоннинг космосда бўлган космонавтлари халқларимиз ҳамкорлигидаги янги даврнинг даракчилари бўлишди.

Совет Иттифоқи билан дўстлик ва ҳамкорлик ташқи сиёсатимизнинг ажралмас қисмидир. Халқимиз совет халқини ўз дўсти деб ҳисоблайди. Биз учун қийин пайтда совет халқи ҳамиша ёнма-ён бўлди. Кейинги ўттиз йил мобайнида кўп жиҳатдан иккала мамлакат раҳбарларининг зўр куч-ғайратлари ва улар ўтказаётган олисни кўзловчи сиёсат туфайли Ҳиндистон билан Совет Иттифоқи ўртасида ажойиб муносабатлар таркиб топди. Жавоҳарлал Неру асос солган анъанани (Ҳиндистоннинг кейинги ҳукуматлари ҳам ана шу анъана руҳида иш кўриб келган эди), мамлакатларимиз яхшироқ дунёни барпо этиш учун биргаликда кураша олишлари учун фикрлашувлар ва баҳоларни ўртоқлашиш анъанасини давом эттириш мақсадида бу ерга келдим. Тинчлик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги 1971 йилги шартнома бизнинг ўзаро чуқур ҳурматимизни ифода этади ва тинчлик ишига хизмат қилади. Жаноб олийлари, Сиз жаҳон тарихининг ғоят муҳим босқичларидан бирида юксак лавозимингизни эгаллаган вақтингизда Сиз билан учрашиш шарафига муяссар бўлган эдим. Сиз Ҳиндистон тўғрисида ва шахсан Сиз Ҳиндистон-Совет муносабатларига қандай катта аҳамият бераётганлигингиз ҳақида айтган тўлқинлантирувчи сўзларингизни яхши эслаб қолдим. Бугун кундузи ўртамизда самарали фикрлашув бўлиб ўтди. Эртага суҳбатимиз давом эттирилишини сабрсизлик билан кутаман. Яқин вақт ичида Сизни Ҳиндистонда табриклашимизга имкон берасиз деб умид қиламиз.

Бизнинг ядро асримизда тинчлик — ер юзидаги барча халқларнинг энг эзгу орзусидир. Айни вақтда ҳали ҳеч қачон тарихда тинчликка таҳдид шу қадар катта бўлмаган эди. Бу таҳдидни «хавфсизлик» йўлида яратилаётган ўша қурол вужудга келтирмоқда. Қурол-яроғларнинг запаслари тобора кўпаймоқда. Жаҳон жамоатчилиги ядро қуроли қисқартирилиши ва тугатилишини қатъий талаб қилиб чиқаётганлиги умид бахш этади. Қуролсизланиш ишидаги масъулият юки ядро қуролига эга бўлган давлатлар зиммасидадир. Аммо бошқа мамлакатлар четда туришлари мумкинми? Бошқа ҳар қандай урушга қараганда ядро уруши ҳаммани бир аҳволга солиб қўяди ва у барчага ҳалокат келтиради. Ядро ажали паспорт суриштирмайди. Унинг учун миллат ҳам, шунингдек ҳаётнинг ўзи ҳам барибир. Ядро қуролидан мустаҳкам мудофаа қилиш мумкин бўлмаганидек, ядро урушида ҳам ғолиблар бўлиши мумкин эмас.

Ҳиндистон ва қўшилмаган мамлакатлар ҳамжамиятининг бошқа аъзолари барча давлатларни ядро қуроли ишлатишни ёки уни ишлатиш билан таҳдид қилишни тақиқлашга, қуролнинг барча синовларини тўхтатиб қўйишга, қурол синовларини ҳар жиҳатдан тақиқлаш тўғрисида шартнома тузишга ҳаракат қилишга, ядро қуролини ва ҳарбий мақсадлардаги парчаланувчи материалларни ишлаб чиқармасликка ҳамда химиявий, биологик ва космик қурол синовларининг, уларни ишлаб чиқариш ва жойлаштиришнинг олдини олишга тинимсиз даъват этиб келмоқдалар. Биз қўшилмаган мамлакатларнинг 1983 йил Деҳлида Индира Ганди раислигида олий даражада бўлиб ўтган кенгашида шундай даъват билан мурожаат қилган эдик. Яқинда олти мамлакатнинг давлат ва ҳукумат бошлиқлари Деҳли Декларациясида шу даъватни такрорладилар.

Совет Иттифоқи бу даъватга дарҳол ва ижобий жавоб қайтарганлигидан хурсандмиз. Биз шахсан Сиз олға сурган турли ташаббусларни табрикладик. Сарфлаётган куч-ғайратларингизда муваффақиятга эришувингизни чин қалбдан тилаймиз. СССР билан АҚШ ўртасида қуролсизланишга бағишланган музокаралар Женевада яна бошланганлигини ва ҳар иккала давлат ишни ядро қуролини батамом тугатиш сари олиб боришга азму қарор берганлиги тўғрисидаги баёнотларини табриклаймиз.

Ялпи тинчлик ва регионлардаги осойишта вазият бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Регионлардаги можаролар ҳайрон қоларли даражада тезлик билан жаҳон миқёсидаги можароларга айланиб кетиши мумкин. Биз, Ҳиндистондагилар, бизга чегарадош районлардаги ва бутун Ҳинд океани ҳавзасидаги вазият тобора ҳарбийлаштирилаётганлигидан ниҳоятда ҳавотирдамиз. Биз қаерда бўлмасин ташқаридан ҳар қандай интервенция ва аралашув ҳаракатларига қарши чиқамиз.

Биз қўшниларимиз билан умуман регионда тинчлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалаларини муҳокама қилишга киришдик. Жанубий Осиё мамлакатларининг регионал ҳамкорлигини ташкил этиш регионимиздаги мамлакатлар ўртасида ўзаро манфаатли яхши муносабатларни ўрнатишга ёрдам беришига интилмоқдамиз.

Бошқа регионлардаги мавжуд кескинлик ҳаммамизни жиддий ташвишга солмасдан қола олмайди: фаластинликлар ҳанузгача қонуний ҳуқуқларидан маҳрум этилган, Жанубий Африка африкалик халқларга қарши қўпол апартеид ва агрессия сиёсатини ўтказиб келмоқда, намибияликлар ўз ҳуқуқларидан маҳрум бўлган, Лотин Америкасидаги ҳукуматларнинг фаолиятини барбод этиш учун уриниб кўрилмоқда. Жануби-Ғарбий ва Жануби-Шарқий Осиёда қуролли можаролар тўхтамаяпти.

Ҳеч қайсимиз ўз халқларимизнинг манфаатларини ҳимоя қила туриб инсонят олдидаги бурчга хилоф иш қила олмаймиз. Географик жиҳатдан халқларимиз қандай тусда бўлишидан қатъи назар пировард натижада бу ёруғ жаҳонда биз ҳаммамиз одамларнинг ягона оиласимиз. Ҳиндистон-Совет дўстлиги ҳам одамларнинг айни мана шу бирлигига хизмат қилиши лозим.

Жаноби олийлари, хонимлар ва жаноблар:

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари Михаил Сергеевич Горбачев жаноби олийларининг соғлиғи ва муваффақиятлари учун!

Раиса Горбачева хонимнинг соғлиғи учун!

Улуғ совет халқининг янада равнақ топиши ва тараққий этиши учун!

Совет Иттифоқи билан Ҳиндистон ўртасида мустаҳкамланиб бораётган дўстлик ва ҳамкорлик учун!

Бутун дунёда тинчлик учун ва инсониятни даҳшатдан ҳалос этиш учун қадаҳ кўтаришни таклиф этишга ижозат бергайсиз.

* * *

М. С. Горбачев ва Р. Ганди нутқлари зўр эътибор бериб тингланди ва қарсаклар билан кутиб олинди.

Зиёфат самимий, дўстона вазиятда ўтди.

(ТАСС).

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

СССР Олий Совети Президиуми ЧССР Президенти Густав Гусак Чехословакия Социалистик Республикаси Президенти лавозимига қайта сайланганлиги муносабати билан унга табрик телеграммаси юборди.

Телеграммада бундай дейилади: «Сизнинг олий даврлат лавозимига яна сайланганлигингиз Чехословакия халқининг ўз Коммунистик партиясига ҳамда бутун ҳаётини социализм идеаллари учун, Чехословакия меҳнаткаш халқининг бахт-саодати учун курашга бағишлаган ЧКП Марказий Комитети Бош секретари сифатида шахсан Сизга бўлган чуқур ишончи ва ҳурматининг далилидир.

Совет кишилари Сизни қардош мамлакатнинг атоқли партия ва давлат раҳбари, Совет Иттифоқининг самимий дўсти, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг таниқли арбоби эканлигингизни яхши биладилар. Ишончимиз комилки, Совет—Чехословакия қардошлиги ва ҳар томонлама ҳамкорлиги халқларимиз манфаатлари йўлида, марксизм-ленинизм ва социалистик интернационализм бузилмас принциплари асосида тинчлик ҳамда социализм идеаллари тантанаси йўлида бундан буён ҳам муваффақиятли ривожланаверади».

(ТАСС).

ВЬЕТНАМ МАДАНИЯТИ БАЙРАМИ

Ватан озодлиги ва мустақиллиги учун, янги жамият қуриш учун курашчилар билан бир сафда бораётган Вьетнам халқининг санъати ВСРнинг СССРда ўтаётган маданият кунларида кенг намойиш қилинмоқда. Мамлакатимизда илк бор ўтказилаётган бу кўрик республика ташкил этилганлигининг 40 йиллигига бағишланган. Совет томошабинлари социалистик Вьетнамнинг етакчи коллективлари ва солистлари билан учрашадилар. Янги фильмлари, музика ва тасвирий санъат асарлари, китоблари билан танишадилар.

21 май куни Москвада, ССР Иттифоқи Давлат академик Большой театрида маданият кунлари тантанали суратда очилди. Бу ерда пойтахт жамоатчилигининг вакиллари, маданият ва фан арбоблари, корхоналарнинг ишчилари ҳозир бўлди.

Маданият кунларининг очилишида Г. А. Алиев, Е. К. Лигачев, П. Н. Демичев, М. В. Зимянин, КПСС Марказий Комитети Маданият бўлимининг мудири В. Ф. Шауро ўртоқлар ҳозир бўлдилар. ВКП Марказий Комитетининг секретари Хоанг Тунг бошчилигидаги расмий делегация, ВСРнинг СССРдаги элчиси Динь Ньо Ли ҳам шу ерда эди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР маданият министри П. Н. Демичев КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети номидан, кўп милларли совет маданияти арбоблари номидан Вьетнам вакилларини самимий табриклади. Нотиқ СССР билан ВСР ўртасидаги ҳар томонлама қардошлик алоқаларини таърифлаб, шуни қайд этдики, бу алоқалар дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома, иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорликни ривожлантиришнинг узоқ муддатли программаси асосида муваффақиятли ривожланмоқда. Маданият соҳасидаги алоқалар муҳим ўрин тутмоқда. Бу алоқалар халқларимизнинг маънавий ҳаётига, янги инсонни шакллантиришга чуқур ижобий таъсир кўрсатмоқда. Бугунги кунда қардош маданиятларнинг бир-бирини бойитишининг самарали жараёни ҳақида тўла ҳуқуқ билан гапириш мумкин.

Байрамнинг муваффақиятли ўтишига ишончимиз комил, деди пировардида П. Н. Демичев. Бу байрам марксча-ленинча дунёқарашнинг муштараклигига ҳамда мақсадларнинг бирлигига асосланган халқларимиз дўстлигининг ёркин намойишига айланиб кетади.

Хоанг Тунг жавоб нутқида озодлик ва мустақилик учун курашда, янги социалистик жамият қуришда Вьетнам халқига катта ёрдам кўрсатаётганлиги учун ВКП Марказий Комитети билан ВСР ҳукумати номидан Совет Иттифоқига самимий миннатдорчилик изҳор этди.

Нотиқ ҳозирги байрамнинг ўтказилаётганлиги Вьетнам билан Совет Иттифоқи ўртасидаги хилма-хил ва кўп томонлама ҳамкорликнинг жонли ифодасидир, деб таъкидлади. Иттифоқдош республикаларнинг кўпгина шаҳарларида ўтадиган маданият кунлари мобайнида ВСР вакиллари қардош совет халқини миллий анъаналар ва ҳозирги замонни уйғунлаштирган ўз социалистик маданиятининг ютуқлари билан таништирадилар. Бу маданият революция вазифалари билан мустаҳкам алоқада ривожланиб, социалистик қурилиш мақсадларига хизмат қилди. Янги социалистик маданият ва санъатни яратишда биз ҳамиша улуғ Ленин ғояларига амал қилишга ҳамда совет дўстларимизнинг илғор тажрибасини ўрганишга интиламиз. Пировардида нотиқ ҳозирги байрам Вьетнам халқининг Совет Иттифоқи меҳнаткашларига сидқидил миннатдорчилигининг яна бир ифодаси бўлади, деб ишонч билдирди.

Сўнгра катта концерт қўйиб берилди. Концерт программасида қардош халқ маданиятида бир-бирига чамбарчас пайваста бўлиб кетган кўп асрли анъаналар билан замонавийлик ўзининг ёркин ифодасини топди. Томошабинлар ВСР ашула, рақс ва музика давлат ансамбли артистларини, Ханой опера ва балет театри солистларини, машҳур ҳозандаларни қизғин кутиб олдилар.

(ТАСС).

КИТОБ ТИНЧЛИК ВА ДЎСТЛИК ХИЗМАТИДА

Совет Иттифоқи, бошқа социалистик давлатларнинг ёрдами туфайли Вьетнам қисқа муддат ичида нашриёт ишини изга солиб олишга муваффақ бўлди. Қардош мамлакат китобларининг Тошкентдаги СССР халқлари дўстлиги музейида очилган кўргазмаси шундан яққол далолат беради. Кўргазма Совет Иттифоқида ўтказилаётган ВСР маданияти кунлари доирасида ташкил этилди.

Экспозицияда Вьетнам Социалистик Республикасидаги қарийб қирқта нашриёт маҳсулотлари намойиш этилмоқда. Бу нашриётлар ҳозир 2000 номда 40 миллион нусхадан кўпроқ китоб нашр этмоқда. Кўргазмага келувчилар ижтимоий-сиёсий, илмий-техникавий, бадиий адабиётлар, махсус нашрлар билан танишадилар. Стендларда В. И. Ленининг 55 томли тўла асарлар тўплами, марксизм-ленинизм классикларининг асарлари, совет ва қардош социалистик мамлакатлар авторларининг асарлари қўйилган.

Кўргазмага қўйилган китоблар В. И. Ленин номли Тошкент давлат университети кутубхонасига туҳфа қилинади.

(ЎзТАГ).

СОВЕТ ЭКСПОЗИЦИЯСИНИНГ КАТТА МУВАФФАҚИЯТИ

БАЗЕЛЬ, 21 май. ТАСС мухбири Е. Козлов хабар беради: Ер юзи халқаро баҳорги Базель ярмаркаси Совет Иттифоқи куни ўтказилиши билан ниҳоясига етди.

Ярмарка комитети вакилларининг фикрича, бу йил Совет павильони ғоят зўр муваффақият қозонди. Совет павильони баҳорги Базель ярмаркалари бутун тарихида энг катта ва ваколатли павильон бўлди. Ўн кун давомида ярмаркани ўн минглаб киши келиб кўрди. Улуғ Ватан урушида совет халқи қозонган Ғалабанинг 40 йиллигига, турли соҳаларда СССР эришган муваффақиятларга бағишланиб павильонда очилган фотовиставка катта қизиқиш уйғотди.

Совет павильони стендларида СССРдаги 130 дан ортиқ корхона маҳсулотининг уч мингдан кўпроқ намунаси намойиш қилинди. Томошабинлар химия, электроника соҳасидаги янгиликлар, халқ истеъмоли моллари, СССР халқлари амалий санъати буюмлари билан танишдилар.

Ўзбекистон ва Латвия ССРга бағишланган бўлимлар павильон меҳмонларида зўр таассурот қолдирди. Павильоннинг заллари қишма одамлар билан гавжум бўлди. Ўзбекистоннинг «Садо» вокал-чолғу ансамбли ва Рига политехника институтининг «Лиесма» студентлар ансамблининг концертлари томошабинларга манзур бўлди. Рига модалар уйининг вакиллари кийимкечакларнинг оригинал моделларидан тайёрланган бой ва хилма-хил кўргазмани намойиш қилдилар. Ҳақиқий ўзбек чойхонаси томошабинларни айниқса қизиқтирди.

Швейцария корхона эгалари иттифоқи чет эл виставкалари бўлимининг бошлиғи К. Бюхлер фикр-мулоҳазалар дафтарига «Ярмаркадаги Совет павильони менда зўр таассурот қолдирди», деб ёзиб қўйди. Яна бир қуйидаги ёзувга кўзингиз тушади: «Совет иттифоқилик азиз дўстлар, сизларга муваффақиятлар ва тинч келажак ёр бўлсин». Ўзбекистон ССР бўлимидаги фикр-мулоҳазалар дафтарида: «Хушбўй чой, табассум ва хушмуомала учун катта раҳмат» деган сўзларни ўқийсиз.

Совет Иттифоқининг ярмаркада иштирок этиши Совет-Швейцария савдо-сотиқ муносабатларини ривожлантиришга сезиларли даражада кўмаклашди, деди ТАСС мухбири билан суҳбатда ярмарка директори Ф. Вальхард. Биз СССР ярмарканинг анъанавий қатнашчиси бўлишига умид қиламиз ва келгуси йилда совет экспозициясини яна кўрамиз, деб ўйлаймиз.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми тез ейилмайдиган порошоклар ва материалларни чанглатиш ҳамда қоплаш методи билан деталларни тикловчи ва мустаҳкамловчи технология линияларини жорий этиш борасидаги самарали иши учун Навоий область Навоий район қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш-техника таъминоти ишлаб чиқариш бирлашмасининг темирчиси ўртоқ Файзулло **Примова «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик механизатори»** фахрий унвони берди.

Навоий область қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш-техника таъминоти ишлаб чиқариш бирлашмасининг ходимларидан бир группаси Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми кўп йил самарали ишлаганликлари, қишлоқ хўжалик техникасидан фойдаланишда юксак кўрсаткичларга эришганликлари ҳамда жамоат ҳаётида актив қатнашаётганликлари учун Самарқанд область Пахтачи районидаги Сердлов номли колхоз механизатори Ибодулла **Жумаев**, Бухоро область Когон районидаги «Когон» совхозининг механизатори Усмон **Исмоилов**, Сирдарё область Оқолтин районидаги «Фарғона» совхозининг механизатори Комил Ҳабибуллаевич **Омонов**, Андижон область Қўрғонтепа районидаги «Савай» совхоз-техникумининг механизатори Адашали **Раҳмонов**, Сурхондарё область Денов районидаги «Ҳазорбоғ» совхозининг механизатори Истам **Саидов** ўртоқларга **«Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик механизатори»** фахрий унвони берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми армия ва граждан ёшларини ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишидаги хизматлари учун Қизил Байроқ орденли Туркистон Ҳарбий округи қўшинлари тарихи музейининг лектори — катта экскурсоводи ўртоқ Людмила Аркадьевна **Бирюкова «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими»** фахрий унвони берди.

КЕЛАЖАК ТЕХНИКАСИ УЧУН

Ҳозир дунёда ҳосил қилинаётган энергиянинг қарийб учдан бир қисми ишқаланиш кучини енгишга сарфланмоқда. Натижада техника унинг потенциал имкониятларидан фойдаланилишига қараганда анча барвақт ишдан чиқмоқда. Капитал

ЎН САККИЗЛАР ТАШАББУСИ КЕНГ ҚАНОТ ЁЙСИН!

Республикамиз меҳнаткашлари илғорлар даъватига жавобан ўн биринчи беш йилликнинг якунловчи йили топшириқларини барвақт бажариш ва жонажон партиямизнинг XXVII съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани авж олдирмоқдалар

Шахсий меҳнати билан белгиланган режаларни бажаришга ҳисса қўшиш — ҳар бир кишининг бурчидир. Шунинг учун, қадрли дўстлар, истеъдодимиз ва маҳоратимизни тўлароқ намоён қилайлик, куч-ғайратимизни меҳнатни ташкил қилишнинг илғор форма ва усулларини жорий қилишга, ишлаб чиқаришнинг барча участкаларида энг янги, илғор, прогрессив тажрибаларни қўлланишга сафарбар қилайлик.

(Республикамиз ишлаб чиқариш илғорларининг барча меҳнаткашларга Мурожаатидан).

ХАЛҚНИНГ ЖОНЛИ ижодкорлиги — барча ютуқларимиз гарови. Меҳнаткашларнинг ўз социалистик Ватани равнақи учун жонкуярлиги, уларнинг ғайрат-шижоати ва сиёсий активлиги — мана шу омиллар жамият тараққиётини доимо зўр куч билан жадаллаштириб келди, ҳозир ҳам жаддаллаштирмоқда, барча қийинчилик ва тўсиқларни муваффақиятли бартараф этишга имкон бериб келди ва имкон бермоқда. «Модомики, шундай экан, — деб уқтирган эди КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ М. С. Горбачев, — бугунги кунда омманинг ижтимоий ташаббусига имкони борича кенг уфқ очиб қўйиш, бу ташаббусни социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштиришнинг туб проблемаларини ҳал этишга қаратиш муҳимдир».

Республикамизнинг бир гуруҳ ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари яқинда бошлаб берган ватанпарварлик ташаббуси ҳам айнан ана шу мақсадга хизмат қилади. Республикамиз саноат корхоналари, қурилиш, транспорт ва алоқа ташкилотлари, қишлоқ хўжалиги, маиший хизмат кўрсатиш соҳаларида фидокорона меҳнатлари билан ҳаммага ўрнак кўрсатаётган ўн саккиз азамат Узбекистоннинг барча меҳнаткашларига матбуот орқали мурожаат қилиб, уларни партиямизнинг XXVII съездини муносиб кутиб олишга чақирдилар. Маълумки, Советлар мамлакати ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлари ва зиёлиларининг партия ва давлат ҳаётидаги энг шонли саналарни, улкан воқеаларни зардбор меҳнат билан нишонлаш каби ажойиб анъаналари бор. Республикамиз меҳнат аҳли ҳам халқимизнинг революцион, жанговар ва меҳнат шонли тарихи анъаналарига содиқ қолиб, ҳозир партия XXVII съезди шарафига социалистик мусобақа байроғини баланд кўтармоқдалар. Шунисси қувончлики, ўн биринчи беш йиллик ўтган йилларида халқ хўжалигининг барча тармоқларида ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини оширишда муайян ютуқлар қўлга киритилди. 30 мингдан кўпроқ меҳнатчи ижодий ташаббус, меҳнатга коммунистик муносабат, юксак онглилик намуналарини кўрсатиб, беш йиллик топшириғини барвақт бажарди. Республиканинг иқтисодий ва социал ривожланиш планларини муваффақиятли бажаришга муносиб ҳисса қўшди.

Мусобақа давомида ўз касбини ардоқлаб эъзозлаётган, тинимсиз изланиши ва маҳорат чўққилари сари интилиши билан юксак ишлаб чиқариш кўрсаткичларини қўлга киритаётган, бугунги рекордларни эртанги куннинг оддий иш нормасига айлантириш мумкинлигини амалда исботлаётган, шахсий ибратлари билан жуда кўпчиликни эргаштираётган кишилар олдинги маррага чиқмоқда. КПСС XXVII съезди шарафига 27 зардбор ўн кунлик ўтказиш ташаббусини бошлаб берган ўн саккиз ватанпарвар ана шуларнинг энг ёрқин вакилларидир. Улар 1985 йил ва умуман ўн биринчи беш йиллик планлари ва мажбуриятларини муддатидан илгари бажариш тўғрисида съездга рапорт бериш ҳуқуқини олиш учун курашиш имкониятига эга бўлганликларини ўзлари учун шон-шараф деб билмоқдалар. Айни пайтда ўн иккинчи беш йилликда қилинадиган ишлар учун мустаҳкам пойдеворни яратиш ўзларининг фидокорона меҳнатларига боғлиқ эканлигини жуда яхши англайдилар. 1986 йил биринчи квартал планларини КПСС XXVII съезди очиладиган кунгача бажаришга сўз берганларида улар худди ана шу олижаноб мақсадларни кўзладилар. Мамлакатнинг, республиканинг иқтисодий қудратини кўпайтиришга муносиб ҳисса қўшиш мазкур ташаббуснинг моҳиятини ташкил қилади.

ИЛҒОРЛАР ИБРАТИ

Шахсий меҳнатни билан белгиланган режаларни бажаришга ҳисса қўшиш — ҳар бир кишининг муқаддас бурчи. Шунинг учун Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети томонидан маъқулланган «Ўн саккизлар ташаббуси»ни ҳар томонлама кенг оммалаштириш ғоят муҳимдир. Бу йил аввалги мажбуриятларга қўшимча тарзда 150 миллион сўмлик кўп халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш, 600 минг тонна юк, миллион нафар йўловчи ташиш, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 68 йиллигги кунигача 77 минг гектар суғориладиган ерларни муддатидан илгари фойдаланишга топшириш, сиғими 1,5 миллиард кубометр бўладиган Толлимаржон сув омборини ишга тушириш, беш йиллик топшириқларига қўшимча суратда қарийб 2 миллион тонна ҳўл мева ва сабзавот етиштириш, ер, сув ва техникадан янада яхшироқ фойдаланиш, далалар ҳосилдорлиги ва фермалар маҳсулдорлигини ошириш, пахтанинг ва барча қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг сифатини яхшилаш юзасидан зиммага олинган юксак социалистик мажбуриятларни сўзсиз бажариш учун курашда бу ватанпарварлик ташаббусининг жозиба кучидан, унинг тарбиявий аҳамиятидан кенг фойдаланиш биринчи даражали вазифадир.

Область, шаҳар, район партия комитетлари ташаббускор ватанпарварлар қўлга киритган бой тажриба ҳар бир меҳнат коллективининг, ҳар бир меҳнатчининг мулкига айланиши учун оммавий-снёсий ишларни авж олдириб юборишга даъват этилгандирлар. Ўн саккизлар тажрибаси меҳнат унумдорлигини ўстиришга, хом ашё ва материалларни иқтисод қилишга, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини яхшилашга хизмат қилсин.

«Ўн саккизлар ташаббуси» асосида партия XXVII съездини муносиб кутиб олиш учун мусобақани кенг авж олдириш жараёнида партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари снёсий ва ташкилотчилик ишларини янада такомиллаштиришлари, мусобақа пешқадамларини рағбатлантиришнинг барча усулларидан омилкорлик билан фойдаланишлари, бригада пудратини қатъият билан жорий қилишга эришишлари даркор.

Ташаббуснинг кучи — унинг оммавийлигида, эришилган ютуқларни янада мустаҳкамлаш, уларни ривожлантиришдадир. «Мен истардимки, — деб ёзади Тошкент тўқимачилик комбинати тўқувчиси, СССР Олий Совети депутати, ўн саккиз ташаббускорнинг бири Каромат Ёқуббоева, — барча ҳамкасбларим ташаббускорлар сафида бўлсин. Стахановчилик, «Минг-лар шартномаси» ташаббуслари сингари қутлуғ ҳаракатларнинг фаол иштирокчилари бўлган тўқимачиларнинг бу гал ҳам ҳар қачонгидан кўра шижоат билан ишлашга ишончим комил. Партия ва халқ олдидаги, Ватан олдидаги муқаддас бурчимиз, тезкор даврмиз, фаровон ҳаётимиз шуни талаб қиляпти». Бу жўшқин қалб сўзлари барча соҳа меҳнатчиларига тааллуқли.

Сўз—ташаббускорларга

ҚАЛБ ДАЪВАТИ

ИВАН БАСАНЕЦ,
В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси фрезерчилар бригадаси бошлиғи, Ленин ордени, Октябрь Революцияси ордени ишчондори, СССР Давлат мукофоти лауреати.

Мен ўз-ўзимга кўпинча шундай савол бераман: бугунги кунимизга хос хусусиятлар нималардан иборат? Бугун ҳал этилаётган муаммолар ичида истиқбол тўғрисидаги ғамхўрлик алоҳида ўрин тутади. Бугун бажараётган ишларимиз, ўй-фикрларимиз эртанги кунга қаратилган. Партиямизнинг узоқни кўзловчи доно сиёсати бизни шундай қилишга ўргатади. Келажакка ишонч партиямиз Марказий Комитетининг сўнгги Пленумлари қарорлари ана шу туйғу билан йўғрилган. Шубҳасиз, бу — бизнинг иш услубимизга, бутун ҳаётимизга ўз таъсирини ўтказяпти.

Партиямиз фаолияти, унинг интилишлари кишилар турмушини фаровонлаштиришга қаратилган. Ҳар тонг миллионлаб кишилар ўзларининг навбатдаги, оддий иш кунларини бошлайдилар: дасттоҳларни юритадилар, далага чиқадилар, конларга тушадилар, янги лойиҳаларни яратадилар. Меҳнат — бу бизнинг ҳаётимиз. Йил сайин ишлаб чиқаришга келиб қўшилаётган ёшлар бир ҳақиқатни уқиб олишлари лозим: меҳнат шунчаки эрмак, кўнгилхушлик эмас, балки ҳаётий заруратдир. Фақат меҳнат туфайли бизнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларимиз тобора тўлароқ қондирилиши мумкин.

Биз меҳнат резервлари тўғрисида жуда кўп гапирамиз. Бироқ ҳом ашё ва материалларни иқтисод қилиш, ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш соҳасида резервларни излаб топиш тобора қийинлашмоқда. Аммо инженер-техник кадрларимиз иқтисодий тайёргарлиги яхшиланганлиги, ишчилар ва мастерларнинг билим даражаси ва маҳорати ошганлиги кўплаб резервларни ҳаракатга келтириш имконини бераётир. Масалан, мўқобил планлар қабул қилишни олайлик. Бу, социалистик мусобақани ривожлантиришдаги янги босқичдир. Одатда мусобақа ташкилотчилари, партия ва касаба союз активлари мўқобил планларни ишлаб чиқишда асосий эътиборни ишлаб чиқариш резервларини аниқлашга қаратадилар, кишиларнинг имкониятлари кўпинча назардан четда қолади.

Шахсий тажрибамга асосланиб айтишим мумкинки, айнан мўқобил планлар резервларни қидириб топишнинг одатдаги доирасидан чиқиб, кенгроқ кўламда фикрлаш имконини берди. Беш йилча илгари ўнга яқин кам малакали, ёш ишчиларни бригада қилиб бирлаштиришга қарор қилганимда баъзилар кулишганди. Тўғри, бу ўнга яқин шогирд масъулиятини зиммага олиш, уларни ўқитиш, тарбиялаш демакдир. Ахир бу оғир ишни биз коммунистлар бажармасак, ким бажаради?

Ўтган йиллар давомида коллективимиз мустаҳкамланди, уюшқоқлик ошди. Ташаббус ва омилкорлик кўрсатиб ишлаш одат тусига кирди. Ишлаб чиқарилаётган мураккаб деталлар фақат юқори сифатли бўлишига эришилди. Кўпчилик фрезерчилик касбидан ташқари слесарликни ҳам ўзлаштирди. Буларнинг бариси ишлаб чиқаришда ўз мевасини берди. Аммо эришилган натижалар билан чекланиш коллективимизга ёт.

Комсомол-ёшлар бригадамизда 10 киши ишлайди. Меҳнатни ташкил этишнинг бригада формаси меҳнат унумдорлигини ўстиришда муҳим омил бўляпти. 1983 йилда бригадамизда меҳнат унумдорлиги 9,2 процент, 1984 йилда 9,8 процент ошди. Коллективимиз беш йиллик топшириғини муддатидан илгари — тўрт йилда бажарди. Ҳозир 1986 йил ҳисобига меҳнат қиляпмиз. Йигитларнинг ҳаммаси виждонан, бутун кучларини сафарбар қилиб ишлашади. Бригадамда ишлаётган ўғлим Виктор Басанец икки шогирди билан слесарлик участкасида смена топшириқларини 130—137 процент, бажармагунча кўнгли тинчимайди. Фрезерчилардан Талъат Қўчқоров, Эдуард Бойко, Сергей Косарев, Лев Тен, Рамзиддин Тожиев, Равиль Жалиловлардан ҳеч қайсиси ортда қолишни истамайди.

Бригадамиз — юқори малакали, ўз анъаналарига содиқ, аҳил коллектив. Ўз куч ва имкониятларимизни аниқ биламиз. Сусткашлик, лоқайдлик, исрофгарчилик каби иллатларга бизда чек қўйилган. Актив ҳаётий позиция, талабчанлик муҳитини қарор топтиришга интиляпмиз. Йигитларнинг кўпчилиги жамоат ишида фаол иштирок этишади.

Бригадамиз аъзолари меҳнат унумдорлигини планга қўшимча 1,6 процент ўстириш, тежаб қолинган хом ашё ва материаллар ҳисобига бир бир кун ишлаб бериш мажбуриятини олди. Зиммага олган мажбуриятларимиз — реал ва бажарса бўладиган иш. Ҳар бир иш дақиқасидан самарали фойдаланиб, қизғин меҳнат қиляпмиз.

Ҳаётимиз фаровонлиги ўз қўлимизда. Партиямиз илгари сураётган улуғвор вазифаларни тезроқ бажариш йўлида янги-янги резервларни қатъият билан излаб топишимиз лозим. Шонли воқеа — стахановчилик ҳаракатининг 50 йиллиги нишонланадиган йилда чинакамига зарбдорларча, ғайрат-шижоат кўрсатиб ишлаш, партиямизнинг бўлажак XXVII съездини муносиб совғалар билан кутиб олиш — ҳар биримизнинг қалб даъватимиз бўлсин. Омма жонли ижодининг туганмас булоғи — социалистик мусобақани кенг авж олдирайлик!

НАМУНА КЎРСАТИБ

КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил апрель Пленуми қарори ва ўртоқ М. С. Горбачевнинг «КПСС-нинг навбатдаги XXVII съездини чақириш, унга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш билан боғлиқ вазифалар тўғрисида»ги доклади ҳамма жойда зўр меҳнат кўтаринкилигини юзага келтирди, меҳнаткашларни беш йилликнинг якунловчи йили топшириқларини муддатидан илгари бажаришга руҳлантирди.

Цех партия ташкилоти 13 нафар коммунистнинг кўмагига таяниб, участка коллективини ташаббус кўрсатиб ишлашга даъват этмоқда. Меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, лоқайдлик, бепарволик, прогулчилик каби иллатларга барҳам бериш соҳасида амалга оширилган қатор тадбирлар ўз самарасини бермоқда. Комбинатимиз бўйича тўрт ойда 10,8 минг квадрат метр уйжой қурилганлиги ва бу соҳа плани муваффақиятли бажарилганлиги, пландагидан 488 минг сўмлик кўп қурилиш маҳсулоти ишлаб чиқарилганлиги қувонарлидир.

Куни кеча бир группа ишлаб чиқариш илғорларининг КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани авж олдириш тўғрисида республиканинг барча меҳнаткашларига мурожаати комбинатимиз ишчи ва хизматчилари қалбидан чуқур жой олди. Кўпгина меҳнат илғорлари ана шу ватанпарварлик ташаббусига актив қўшилиб ўн биринчи беш йиллик, шу жумладан, 1985 йил планларини муддатидан илгари бажариш ва съезд очиладиган кунгача 1986 йил биринчи квартал топшириғини муддалаш юзасидан оширилган мажбуриятлар қабул қилдилар. Шулардан В. Воробьев, Н. Евсюков, С. Кашафов, В. Лаптева, Т. Новоселова ва бошқа коммунистлар айни пайтда бир ҳафталик топшириқни беш кунда бажармоқдалар.

Цех партия ташкилоти коллективни участка обрўси учун курашаётган ана шундай фидокор коммунистлар ибрати мисолида тарбиялаётир. Илғор ишчилар моддий-маънавий жиҳатдан рағбатлантирилмоқда. Дангасалар, прогулчилар эса «ўн учинчи маош»дан маҳрум этилмоқда. Слесарь Владимир Зубров ичкиликбозлик орқасида ҳушёрхонага тушиб қолди. Биз уни коллектив муҳокамасига қўйдик ва йил якунига кўра мукофот бермасликка қарор қилдик. План ва топшириқларни бажармаган ишчиларга нисбатан ҳам ана шундай чорани қўлланяпмиз.

Биз комбинатимизда ҳамма ишлар обдон изга тушиб кетди, деёлмаймиз. Уй-жой қурилиши ва қурилиш маҳсулоти ишлаб чиқариш бўйича 4 ойлик план бажарилган бўлса ҳам бош пудрат бўйича 91,4 процент адо этилди. Ўз кучимиз билан 154 минг сўмлик кам иш бажардик. Сабаб: январь ойида қаттиқ совуқ бўлди, бетон плиталар, бетон деворлар ишлаб чиқаришда катта қийинчиликларга дуч келинди. Қозонхоналар ишдан чиқди. Эндиликда ана шу қарзларнинг ўрнини қоплаб, планларнинг бажарилиши учун курашмоқдамиз.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бир группа ишлаб чиқариш илғорларининг партиямиз навбатдаги съездини муносиб кутиб олиш юзасидан бошлаган ташаббуси тўғрисидаги қарорида меҳнатни тўғри ташкил этиш, ҳар бир коллективда соғлом маънавий муҳитни яратиш, ташаббускорлик ва ижодкорликни кучайтиришнинг муҳим шарти эканлиги кўрсатиб ўтилди. Цех партия ташкилоти худди шу йўналишларга бутун кучни жамлаб, снёсий-тарбиявий ишларни кучайтирмоқда. Комбинатимиз, участкамиз коллективи ўн биринчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш, КПСС-нинг навбатдаги XXVII съездини ёруғ юз билан кутиб олиш учун астойдил меҳнат қилаётир. Коммунистлар бу курашнинг олдинги сафида бормоқдалар.

Комилжон АБДУЛАЗИЗОВ,
Андижон уйсозлик комбинати цех партия ташкилотининг секретари.

ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАЙМИЗ

Саноат, қурилиш, транспорт, алоқа, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш соҳалари илғорларининг КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани авж олдириш тўғрисида Ўзбекистоннинг барча меҳнаткашларига мурожаатини бригадамиз аъзолари зўр қизиқиш билан ўқиб чиқдилар ва уни якдиллик билан қўллаб-қувватламоқдалар. Унда жуда тўғри таъкидланганидек, жамият олдимизга қўйётган улкан бунёдкорлик вазифаларини бажаришга **«...фақат фидокорона ва юқори унумли коллектив меҳнатимиз билан эришишимиз мумкин».**

Бу ҳар биримиздан ўз иш жойимизда ҳалол, виждонан ишлаш, совет халқининг фаровонлигини ошириш йўлидаги умум ишга кўпроқ ҳисса қўшишни талаб этади.

Бу йил ҳам чигит ернинг табиий намига бир текис ундириб олинди. Ниҳолларни мурғаклигидан бошлаб тўғри парваришлаш, етарли миқдорда минерал ва органик ўғитлар билан таъминлаш унинг баравж ривожланиши, кейинчалик мўл ҳосил тўплашига имконият яратади. Вазифа бор маҳоратимизни ишга солиб, парваришни агротехника талаблари асосида ўз вақтида сифатли ўтказиб боришдан иборат. Бунинг учун барча имкониятларга эгамиз.

С. ГУЛАҲМЕДОВА,
Бўка районидаги Ҳамза номли колхоз бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.



Поп районидаги «Навбаҳор» совхози азаматлари чигитни қулай агротехника муддатларида экиб, уни қийғос ундириб олишга эришдилар. Айни кунларда миришкорлар асосий диққат-эътиборни ғўза парваришини тез ва соз ўтказишга қаратмоқдалар. Бу иш тажрибали пахтакор Раҳим Турсунов бошлиқ бригадада, айниқса, намунали олиб бориляпти. Моҳир механизатор Хурсанбой Қўрғонов кунлик топшириқни ошириб адо этиш билан бирга сифатга алоҳида эътибор бераётир.

Суратларда: 1. Механизатор Х. Қўрғонов (чапда) ва бригадир Р. Турсуновлар. 2. Ғўзага ишлов бериш.

Ж. Тўраев фотолари.

• ТАЖРИБАКОРЛАР МИНБАРИ

МАСЪУЛИЯТЛИ ДАМЛАР

Фарғонада яхши бир удум бор — май ойини ҳамма ипак ойи деб билади ва катта-ю кичик долзарб кунларда пиллакорларга кўмакка отланади. Ҳозир айни шундай тиғиз палла. Ипак қурти парвариши қизғин, масъулиятли даврга кирган.

Ипак қуртларининг катта ёшлик давридаги парвариши ҳам дастлабки босқичдаги каби ўта нозик ва мураккабдир. Бу босқич қурт боқувчилардан, айниқса, ҳушёрлик, синчковлик билан иш тутишни талаб этади. Зотан, пиллакорлар ўртасида ипак қуртининг даҳага киргани бедор damлар бошлангани, деб бежиз айтилмаган. Чунки ҳозир бир кечакундузда камида ўн марта барг тақсимланади. Яна ғаналаш, хона ҳарорати ва намлигини мўътадил сақлаб туришни айтмайсизми?!

Тажрибадан маълумки, ипак қуртлари қанчалик кенг, баҳаво сўкичакларда яйратиб боқилса, улар шунча тез етилади, барвақт дастага киради. Яна бир муҳим томони — пиллачининг меҳнати анча осонлашади. Хўжалигимизда бу борада яхши бир анъана бор — агротехника бўйича ҳар қути ипак қурти учун талаб этилган 70-80 квадрат сўкичак қуртларнинг кичик ёшдаги парвариши давом этаётган кезлардаёқ тайёрлаб қўйилади. Шунингдек, қурт боқувчи звеноларни кўпайтириш ва пиллачилик бригадаларини кенгайтириш тажрибаси ҳам ҳар йили яхши самара бермоқда. Бу йил совхозимиз пиллакорларига ўтган йилдагидан 140 қути ортиқ — жами 1000 қути ипак қурти тарқатилди. Мавсум арафасида қурт боқувчи звенолар сони дастлабки мўлжалдагидан 50 та оширилиб, қарийб 1020 тага, бригадалар 13 тага етказилди.

Кичик ёшда ипак қуртларини асосан тут дарахтларининг остидаги майда барглар билан озиқлантирдик. Бу совхозимизда одат тусига кирган. Тўртинчи ёшдан бошлаб тутни каллаклаб кесиб оляпмиз. Шу кеча-кундузда асосий диққат-эътиборни қуртларга доим яшчаб турган, барра барг солишга, озуқанинг озгинаси ҳам беҳуда исроф бўлмасчигига қаратяпмиз. Бунинг учун салқин пайтларда барг кесишга киришиб, озуқани қаладан ўз вақтида ташиб оляпмиз ва уни пешма-пеш сўкичакларга соляпмиз.

Барг сарфи ҳақида жиддий қайғуришимизнинг боиси шундаки, шу ой бошида юз берган табиий офат — кучли шамолдан районимиз ва совхозимиз территориясидаги тут дарахтлари жиддий шикастланди. Эндигина ёзилиб келаётган япроқлар қовжираб қолди. Шунга кўра зудлик билан тут қаторлари орасига сув оқизилиб, минерал ўғитлар билан озиқлантирилди. Айрим жойларда бу иш икки-уч бор ўтказилди. Бир ҳафтаўн кун давомида совхозимиз территориясидаги жами 600 мингдан зиёд тут дарахтига ана шундай қўшимча сув, озуқа берилиб, тутнинг авжи яхшиланди.

Мавсумнинг биринчи кунларидан бошлаб совхозимизда ипак қурти парваришининг боришини назорат қилувчи оператив группа фаолият кўрсатяпти. Совхоз партия, касаба союз, комсомол комитетлари вакиллари, маҳаллий Советларнинг депутатлари ва мутахассислардан иборат бу группа деярли ҳар бир хонадонда бўлиб, қурт боқишнинг ташкил этилиши, озуқа тайёрлаш, ундан фойдаланиш ва бошқа ишларни кўздан кечирянти ҳамда тегишли маслаҳат, йўл-йўриқлар бериб боряпти. Бу мавсумда пиллакорларимиз баргни хлорелла суспензияси ва «Барака» препарати билан намланган ҳолда қуртларга солишни кенг кўламда қўлланмоқдалар.

Пиллачиларимиз ўртасида яхши анъана — юз килограммчилик ҳаракати бу йил ҳам кенг қулоч ёйган. 8 та бригада коллективи ўртача ҳосилдорликни 95-105 килограммданга, звеноларнинг қарийб ярми эса 115-120 килограммданга етказиш учун курашмоқдалар.

Ўтган йили оиламизда 1,5 қути ипак қурти боққан эдик. Қабул пунктига 111,8 ўрнига 276 килограмм сифатли пилла топширдик. Мавсум давомида оиламиз 2265 сўм даромад олди. Кўриниб турибдики, қанча кўп ва юқори сортли маҳсулот берсак, моддий манфаатдорлигимиз ҳам шунча ортар экан. Бу йил оиламиз билан бир қути ипак қурти парваришлаб, 130 килограмм ҳосил олишни мўлжаллаб турибмиз. Робияхон Назирова, Кенжахон Мирзаева, Қундузхон Мамадалиева, Ҳадичахон Маъмурова «сингари ҳамкасбларим ҳам ана шундай маррани кўзлаб ишламоқдалар. Ипак қуртларини қисқа муддат — 21-22 кун ичида дастага киритиш учун қизғин беллашаётган илғор пиллакорларимиз кўп. Улар ҳар қути қурт ҳисобига 320-330 тадан даста тайёрлаб қўйяптилар. Ҳосил теримига ҳамма жойда оммавий ҳозирлик кўрилмоқда.

Яқинда матбуотда эълон қилинган бир группа илғорларнинг КПСС XXVII съездини янгидан янги меҳнат ютуқлари билан кутиб олишга даъват этувчи ватанпарварлик ташаббуси биз пиллакорларни ҳам янги зафарлар сари илҳомлантириб юборди. Ташаббускорларнинг чақириғига қўшилган хўжалигимиз заршунослари ҳар қутидан 90 килограммдан ҳосил олишга аҳд қилдилар. Давлатга камида 90 тонна хом ашё етказиб берамиз. Баракали хирмонимиз партиямизнинг бўлажак XXVII съездига муносиб армуғонимиз бўлади.

Раъногул БЕГМАТОВА,
Киров районидаги «Октябрь 40 йиллиги» совхозининг пиллачиси.

ИЧКИЛИКБОЗЛИК—ИЛЛАТ

ФАРОВОН ТУРМУШИМИЗГА ДОҒ ТУШМАСИН!

...Ичкиликбозликка қарши актив курашишнинг, самогон қилишни ҳамма жойда тугатиш учун курашишнинг шахсан намунасини кўрсатиш — ҳар бир коммунистнинг, ҳар бир раҳбарнинг бурчидир.

(КПСС Марказий Комитетининг «Ичкиликбозлик ва алкоголизмни бартараф этиш тадбирлари тўғрисида» ги қароридан).

ХАЛҚ СОҒЛИҒИ — ЮРТ БОЙЛИГИ

Мамлакатимизда КПСС XXVII съездига тайёргарликнинг масъулиятли даври бошланди. Коммунистик партия ва совет ҳукумати кишиларимизда коммунистик ахлоқ ҳамда маънавий поклик принципларини такомиллаштиришга алоҳида аҳамият бермоқда. КПСС Марказий Комитетининг «Ичкиликбозлик ва алкоголизмни бартараф этиш тадбирлари тўғрисида»ги қарори бу соҳада янги қадамлардан бири бўлди. Совхоз-заводимиз коммунистлари, ишчи-хизматчилари партиямизнинг бу йўлини тўла ва батамом маъқуллаб, алкоголизмга қарши курашувчиларнинг олдинги сафида бўлишга аҳд қилмоқдалар.

Ичкиликбозлик ижодкор совет кишиларининг жисмоний ва маънавий камолатига раҳна солади. Бўлажак авлодларимизга ҳалокатли таъсир кўрсатади. Бу оғу туфайли ширин-шакар фарзандларимиз, невара-чевараларимиз майиб ва мажруҳ бўлиб қоладилар. Аҳил ва иноқ оилалар бузилиши мумкин. Коллективимиз бу салбий ҳодисаларнинг барчасини бартараф этишга муносиб ҳисса қўшиш учун қатор тадбирлар ишлаб чиқди. Совхоз-завод маъмурияти, партия, касаба союз, комсомол ташкилотлари барча бўлим ва звеноларда ичкиликбозликка қарши курашувчи группалар тузди.

Хўжалигимиз узум етиштиришга ихтисослашган. Бу йил ялпи узум қосилини 8 минг тоннага, ҳосилдорликни 197 центнерга етказиш мажбуриятини олганмиз. Кучли шамол ва ҳавонинг бирдан совиб кетиши натижасида узумзорларимизга анча зарар етган бўлса ҳам, меҳнат ғайратимиз бўшашгани йўқ. Ишчиларимиз барча куч ва имкониятларни мўл ҳосил етиштиришга сафарбар этмоқдалар.

Ўтган йилги меҳнат ютуқларимиз эвазига КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан тақдирландик. Якунловчи йилдаги ишларимиз ҳам чакки эмас.

Биз КПСС Марказий Комитетининг «Ичкиликбозлик ва алкоголизмни бартараф этиш тадбирлари тўғрисида»ги қароридан кейин корхонамизни узум шарбати ишлаб чиқаришга ихтисослаштиришга қарор қилдик. Ҳозирги кунда С. Ортиқов бошлиқ мутахассислар барча дастгоҳларни қайта созлашни бошлаб юбордилар. Вино тайёрловчи Б. Бобомирзаев, Х. Турғунов, А. Қамбаров каби пешқадам ишчилар бундан буён халқимиз дастурхонига арақ-вино эмас, хилма-хил мева шарбатлари тортиқ этишга астойдил ҳаракат қилмоқдалар.

● АРАҚ-ВИНОЛАР ЎРНИГА МЕВА ШАРБАТЛАРИ

● ҚАЙТА ҚУРИШ ҚИММАТГА ТУШМАЙДИ

● ҚИШМИШ-МАЙИЗЛАР КУПАЯДИ

Вино ўрнига мева шарбати ишлаб чиқаришнинг яна бир афзаллиги шундаки, узум уруғлари ташлаб юборилмайди. Бундан буён ажратилган уруғларни Қўқон ва Фарғона ёғ заводларига юборамиз. Аҳоли истеъмоли учун узум шарбати тайёрлаш кўпаяди, сифати яхшиланади. Улардаги қанд миқдори илгариги 16—17 ўрнига 19—20 процентга кўтарилади. Энг муҳими, бундан буён узумларимиздан кишмиш тайёрлаш миқдори ҳам ортади. Якунловчи йилда 17 тонна ўрнига 22 тонна сифатли майиз тайёрлаш мажбуриятини олдик. Қўшни «Шарқ юлдузи», Гагарин номли совхозлардан келтирилган узумларни ҳам худди ана шундай қайта тайёрлашни мўлжаллаб қўйдик. Ю. Назаров, Б. Куряев, М. Йўлдошевлар бошлиқ юқори ҳосилли бригадаларимиз ҳар гектар узумзордан 190—200 центнердан ҳосил етиштиришга аҳд қилганлар. Барча бўлим ва бригадаларда узум қуритадиган майдончалар ва бошқа воситалар ҳозирланмоқда.

Мева, узумчилик областимиз экономикасида салмоқли ўрин тутади. Республика Мева-сабзавот хўжалиги министрлигига қарашли Наманган агросаноат бирлашмасининг арақ-вино заводлари ўз цехларини астасекин мева-узум шарбати ишлаб чиқаришга мослаштиришга аҳамият беришади. Бу қайта қуришлар қимматга тушмайди, аксинча арзон ва юқори сифатли маҳсулот етиштиришни таъминлайди. Назаримизда бу ишни республика Мева-сабзавот хўжалиги министрлиги коллегияси кўриб чиқса фойдадан ҳоли бўлмасди. Чунки республикамизда бундай турдош корхоналар анчагина. Партия ва ҳукуматимизнинг йўл-йўриқлари асосида кўпдан кўп вино пунктлари ҳамда заводлари ўрнида мева шарбати ишлаб чиқарувчи корхоналар барпо этилса, халқимиз фаровонлигини янада яхшилашга муносиб ҳисса бўлиб қўшилади.

Байроқдор хўжалигимиз меҳнат аҳли ичкиликбозликка қарши кураш юзасидан мамлакатимизда бошланган катта юришда фаол иштирок этади. Ўн биринчи беш йиллик режаларини муваффақиятли якунлаб, КПСС XXVII съездини муносиб ютуқлар билан кутиб оладилар.

Б. ИКРОМОВ,
Наманган область Тўрақўрғон районидаги В. И. Ленин номли совхоз-завод директори,

З. РЕЗЯПОВА,
совхоз-завод партия комитетининг секретари.

ҲАММАМИЗ САФАРБАРМИЗ

Халқ донишмандларидан бири ичкиликбозлик вабодан кўра ҳам кўпроқ вайронагарчилик келтиради, деган экан. Гарчанд муболаға бўлса ҳам бу гапда ҳақиқат бор. Чунки, ичкилик табиатни гуллатадиган, жамиятнинг ривожини тезлаштирадиган, шаҳар ва қишлоқларга чирой берадиган инсондаги касб-ҳунарнинг, ақл-заковатнинг қушандасидир.

Ичкилик ҳақида гап кетса, коллективимиздаги бир кишининг тақдири кўз олдимдан ўтаверади. Колоннамизда Эргаш Мисиров деган йигит бор эди. Ўз касбининг устаси, яхши дурадгор эди. Топширилган ишни жонкуярлик билан бажарарди. Чўлқуварлар унга алоҳида ҳурмат-эътибор билан муносабатда бўлардилар. Шундай йигит сурункали ичиш дардига мубтало бўлди. Биз уни бу йўлдан қайтариш учун кўп ҳаракат қилдик. Аммо натижа чиқмади. Ҳушёрхонага тушганини муҳокама қилаётганимизда шу ердан кетсам қутуламанми, деди-ю, эртаси куни ариза бериб ишдан бўшади. Бир жойда кўним тополмайдиган бўлиб қолди.

Айни кунларда Эргаш Мисиров тақдирини эсласам беихтиёр ўзимни ҳам айбдордек ҳис қиламан. Бу ўринда коллективимизни ҳам оқлолмайман, албатта. Лекин асосий айб барибир унинг ўзида эди?! Иродасизлиги, арақ-ка «меҳр» қўйиши тўғри йўлга қайтиб тушолмаслигига сабаб бўлди.

Куни кеча колоннамиз бинокорларининг ичкиликбозлик ва алкоголизмни бартараф этиш юзасидан партия ва ҳукуматимиз кўраётган чоралар муносабати билан ўтказилган йиғилишида барча яқдиллик билан бир фикрга келди. Ичкиликбозликка қарши кураш, уни тар-томири билан йўқотиш фақат партия, совет, жамоат ташкилотларинигина эмас, бевосита ҳар бир оддий меҳнатчининг ҳам вазифасидир. Колоннамиз қурувчилари ичкиликбозликка қарши курашда актив фаолият кўрсатишга қарор бердилар.

Турғун ҒАНИЕВ,
Жиззах областидаги «Бустанводстрой» трести-га қарашли 34-механизацилашган кўчма колонна қурувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

Барча коллективларда ичкиликбозликнинг ҳар қандай фактларига нисбатан чидаб бўлмайдиган муносабатни вужудга келтириш учун корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарларининг масъулияти оширилсин.

(СССР Министрлар Советининг «Ичкиликбозлик ва алкоголизмни бартараф этиш, самогон қилишни тугатиш тадбирлари тўғрисида»ги қароридан).

КЎЧА БЕХАТАР БЎЛСИН!

Транспорт воситалари, айниқса, автомобиль транспортининг тараққий этиш кўламлари кўча ҳаракати хавфсизлиги чораларини кўришни тобора кескин вазифа қилиб қўймоқда. Шу мақсадда автомобиль ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, ҳаракатни ташкил этишни ҳар томонлама яхшилаш, йўллар равонлигига эришиш, шоферларни ўқитиш ва малакасини ошириш чоралари кўрилаётир.

Афсуски, мана шу ишларнинг ҳаммаси бир қадаҳ спиртли ичимлик оқибатида самарасиз бўлиб қолмоқда. Кишилар соғлиғига, қатто ҳаётига хавф туғдирмоқда. Шофер истеъмол қилган бир озгина спиртли ичимлик уни жиноят ёқасига олиб бориб қўйиши баъзи ҳолларда унутилмоқда.

Транспортчиларнинг кўпчилиги ичкиликбозлик иллат эканлигини, у автомобилни бошқариб бораётган кишининг оғир жиноятга сабаб бўлишини яхши билишади. Бироқ ҳамиша ҳам бу талабга амал қилишавермайди. Бир оз бўлса-да, спиртли ичимлик шофернинг руҳиятига, ишга муносабатига салбий таъсир кўрсатишини хаспўшлаш, ўз имкониятларига ортиқча баҳо бериш бунга асосий сабаб ҳисобланади. Баъзан маст ҳолда транспорт воситаларини бошқаришга журъат этувчи шахсларни жазолаш чораларини қўлланишда зарур активлик ва принципиаллик кўрсатилмаётир.

КПСС Марказий Комитетининг ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши курашни кучайтириш чоралари тўғрисидаги қарори, бу борада ҳукумат амалга ошираётган тадбирлар транспорт ҳаракати хавфсизлигини таъминлашнинг катта имкониятларини очмоқда. Бу шунинг учун ҳам муҳимки, ҳозирги пайтда кўпгина йўл ҳодисалари шоферлар томонидан маст ҳолда содир этилаётир. Эндиликда маст ҳолда транспорт воситаларини бошқараётган шахслар тўла бир йиллик муддатга бундай ҳуқуқдан маҳрум этилади. Агар белгиланган тартибни такрорий равишда бузганлиги аниқланса транспортни бошқариш ҳуқуқидан улар уч йилгача муддатга маҳрум этиладилар.

Келинг, Тошкент область давлат автоинспекциясининг уч кунлик материалларини кўздан кечириб чиқайлик. Шу уч кун ичида область йўлларида 405 шофер маст ҳолда транспорт воситаларини бошқараётганда тўхтатилди. Улар орасида турли ёшдаги кишилар бор. Бекободдаги 4-ўрта техника билим юртининг ўқитувчиси Мўмин Каполов, медицина билим юртининг ўқитувчиси Абдуғани Ҳамроев, 53-механизацилашган кўчма колонна прораби Ҳ. Мамаюсупов, Тўйтепадаги музика мактабининг ўқитувчиси Иван Дегай, бўкалик врач Т. Парпиев, Тошкент давлат университетининг ўқитувчиси З. Раимжоновлар шулар жумласидандир. Кўриб турибсизки, маст ҳолда автомобилни бошқарган кишиларнинг кўпчилиги нуфузли ўқув юртларининг тарбиячиларидир. Маст ҳолда машина рулига ўтирган кишилар орасида профессионал шоферлар, ишчилар, колхозчилар, ошпазлар ҳам оз эмас.

Транспорт воситаларини маст ҳолда бошқариш фактларига барҳам берайлик

Маълумки, бу кишиларнинг ҳар бири у ёки бу меҳнат коллективида ишлайди. Табиийки, ўша жойларда партия ва ҳукумат кўраётган чоралар тўғрисида суҳбатлар ўтказилмоқда, тегишли ахборотлар берилмоқда. Одатда бундай кишиларнинг баъзилари билан суҳбатлашсангиз, тартибсизликлар тўғрисида куйиб-пишиб гапиришади, лекин ўзлари маст ҳолда машина бошқаришади.

Республиканинг бошқа областларида ҳам бундай фактлар тез-тез учраб турибди. Юзлаб, минглаб кишилар транспорт рулини бошқара бошлаган ҳозирги кунда маст ҳолда транспортни бошқариш, айниқса, хавфлидир.

Маълумки, амалдаги тартиб-қоидалар бўйича ҳам маст ҳолда машинани бошқарганлик ёки рулни бошқа маст кишига берганлик учун жиддий чора кўрилади. Лекин ҳозиргача бу тартиб-қоида етарли таъсир кўрсатганлиги сезилмаётган эди. Шуни айтиш кифояки, кейинги йилларда маст ҳолда кўча ҳаракатини бузиш ва жиддий йўл ҳодисаси содир этиш бирмунча кўпайди. Баъзи ҳолларда бу кишилар ҳаётини хавф остига қўйганлиги ҳам сир эмас. Бунинг сабаби шундаки, меҳнат коллективларида ичкиликбозликка қарши пропаганда ишонтирарли, таъсирчан ташкил этилмаётир. Маст ҳолда транспорт воситаларини бошқарган шахсларга баъзан «раҳмдиллик» кўрсатиляпти. Автоинспекция ходимлари мастлиги учун жазолаган шоферларни айрим меҳнат коллективлари ўз паноҳларига олмоқдалар.

Ичкиликбозлик ва алкоголизмни бартараф этиш тўғрисидаги қарорлар қабул қилингач, йирик автомобиль хўжаликларида тарбиявий ишлар активлаштирилди. Эндиликда ҳар бир факт ўзининг муносиб баҳосини олмоқда. Аммо шундай фактлар ҳам юз бермоқдаки, ҳали автомобиль инспекцияси ходимлари тузган протоколнинг сиёҳи қуриб улгурмай, тартибни бузган шофернинг ишини енгиллаштиришга таллуқли кўпдан-кўп илтимосномалар олинади, жиноятчини ижобий баҳоловчи характеристикалар ёзилади. Наҳотки, бундай раҳбарлар илтимосномаларга имзо чекаётиб, ноўрин иш қилаётганликларини тушунмасалар?

Йўқ, биз ичкиликбозликка қарши кенг кўламли кураш бошладикми, охиригача принципиал позицияда турмоғимиз даркор. Кишиларнинг соғлиғи ва ҳаётини хавф остига қўювчи жиноятчиларга нисбатан кўнгилчанликка ўрин йўқ. Шунда кўчаларимиз хавф-хатарсиз бўлиб қолади.

М. АБУТОВ,
Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлиги Давлат автомобиль инспекцияси бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, милиция полковниги.

Анатолий Николаевич ТРИБУНСКИЙ

Совет пахтачилик фани оғир жудоликка учради — истеъдодли селекционер ва фан ташкилотчиси, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган пахтакор ва хизмат кўрсатган агроном Анатолий Николаевич Трибунский 56 ёшида тўсатдан вафот этди.

А. Н. Трибунский 1929 йил 13 февралда Тошкент область Бекобод районининг Стретенское қишлоғида туғилди. Тошкент қишлоқ хўжалик институти ва Союз НИХИ аспирантурасини тугатгач, 1955 йилда СоюзНИХИнинг Қорақалпоғистон тажриба станциясига юборилди. Бу ерда у кичик, сўнгра катта илмий ходим бўлиб ишлади, ғўза селекцияси ва уруғчилиги лабораториясини бошқарди. 1963 йилда фан бўйича директор ўринбосари этиб тайинланди. У автоном республикада селекция-уруғчилик ишларини ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшибгина қолмасдан, балки зонал тажриба станциясида илмий тадқиқотларни йўлга қўйиш ҳамда станциянинг Қорақалпоғистон комплекс деҳқончилик илмий-тадқиқот институтига айланишига яқиндан кўмаклашди.

1963 — 1976 йиллар мобайнида А. Н. Трибунский СоюзНИХИнинг Андижон тажриба станциясида (ҳозир СоюзНИХИ филиали) фан бўйича директор ўринбосари бўлиб ишлади. Бу ерда селекциянинг вилтга чидамлилиги, патогеннинг турли кўринишларига татбиқ этиладиган методикасини назарий жиҳатдан асословчи кенг тадқиқотлар олиб борди. Толаси юксак технологик хусусиятларга эга бўлган бир қатор районлаштирилган вилтга чидамли навлар, шу жумладан кенг тарқалган «175-Ф» нави яратилганлиги ана шу ечимларнинг амалдаги тасдиғи бўлди.

Кейинги ўн йил мобайнида А. Н. Трибунский Г. С. Зайцев номли Меҳнат Қизил Байроқ орденли Бутунитифоқ ғўза селекцияси ва уруғчилиги илмий-тадқиқот институтида фан бўйича директор ўринбосари, селекция бўлими мудири вазифаларида ишлади, селекция маркази ишларини йўлга қўйиш ҳамда ғўза селекцияси, генетикаси ва уруғчилигини янада ривожлантиришга катта ҳисса қўшди.

А. Н. Трибунскийнинг ватан пахтачилигини ривожлантиришга қўшган ҳиссасини партия ва ҳукумат муносиб тақдирлади. У Ленин ордени, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи, медаллар билан мукофотланди. «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган пахтакор» ва «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган агроном» фахрий унвонларига сазовор бўлди.

Илм йўлида тиниб-тинчимаслик, фаннинг турли соҳалари бўйича билимдонлик, илмий муаммоларни ҳал этиш чоғида принципиаллик ва юксак ғоявийлик А. Н. Трибунскийга ҳамиша хос бўлган хислатлар эди.

Меҳнаткаш-новатор ўта камтар ва одамлар билан муомалада оддий бўлиб, ўз билими ва ғояларини ҳамма билан бажонидил ўртоқлашарди.

Истеъдодли тадқиқотчи, коммунист ва саҳоватли ўртоғимизнинг ёрқин хотираси у билан бирга ишлаган барча кишилар қалбида абадий сақланади.

БИР ГРУППА ЎРТОҚЛАРИ.

ДОНОЛАР БИСОТИДАН

● Қоровул маст бўлса,
бош кесар ҳам дадил бўлади.
Низомий ГАНЖАВИЙ.

● Майхўр кишига ҳеч
бўлма ошно,
Ундайлардан узоқ
юрганинг авло.
Ф. АТТОР.

● Мастлик қилмайди
доно, май ичмас оқил
одам,
Ақл эгаси мастликка
қўймайди оёқ бир дам.
А. САНОИЙ.

● Май ичишар яноқ
бўлсин деб зебо,
Охири юзни у қилур
каҳрабо.
Хору-хасни кўрсатур
бир шуъла тупроқ
устида,
Оқибат ақли ҳавасни
айлагай расво шароб.
Саъдий ШЕРОЗИЙ.

● Бодани ақлингдан
ғолиб этмагил.
А. ҲОҚОНИЙ.

ФОТОАЙБНОМА

Ушбу сурат Тошкент шаҳридаги Ҳамза район озиқ-овқат савдоси идорасига қарашли 22-магазинда олинган. Катта сотувчи Галина Нурнева вино-арақ билан савдо қилишни графикда кўрсатилганидан 35 минут олдин бошлаб юборди. Бу магазин 1-уйсозлик комбинатига яқин ерда жойлашган.

В. Молгачёв фотоси.

СПОРТ

ҚИЗҒИН БЕЛЛАШУВЛАР

Республикамиз пойтахтининг йирик спорт базаларидан бири — «Юбилей» спорт саройида СССР кубоги учун мусобақалар ўтказилди. Совриндорлик баҳсида жаҳон, Европа ва мамлакат чемпионатларининг ғолиблари ўзаро беллашдилар. Грузиялик дзюдочилар мусобақага пухта ҳозирлик билан келишганини намойиш этдилар. Улар қизғин беллашувларда бош совринни қўлга киритишди. РСФСР ва Москва терма командалари иккинчи ва учинчи ўринларни олишди. Республикамиз полвонлари бешинчи бўлишди.

Тарту шаҳрида эса аёллар ўртасида Эстония очиқ биринчилиги учун мусобақалар ўтказилди. Мусобақада спортнинг дзюдо тури республикамиз аёллари орасида ҳам оммалашиб бораётгани кўзга ташланди. Жумладан наманганлик А. Шаркаева билан Р. Юсупова, самарқандлик И. Гадидиевалар ғалаба қозонишди. Тошкентлик А. Пантелиди учинчи ўринни эгаллади.

Об-ҳаво

Шу кеча-кундузда республикамизда ҳаво ўзгариб туради. Айрим ерларда момақалдироқ бўлиб, қисқа муддатли ёмғир ёғади. Ғарбдан секундига 9—14 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 16—21, кундузи 28—33, жанубда 35 даражагача иссиқ бўлади. Қорақалпоғистон АССРда кечаси 9—14, кундузи 21—26 даража иссиқ бўлади.

Тошкентда ҳаво ўзгариб туради. Кечаси ёғингарчилик бўлмайди. Кундузи момақалдироқ бўлиб, қисқа муддатли ёмғир ёғиши кутилади. Ғарбдан секундига 9—14 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 18—20, кундузи 29—31 даража иссиқ бўлади.

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 23/V да **Пётр Биринчи**, 24/V да **Малика Аҳмедованинг ижодий кечаси.**

Тошкент давлат университети коллективи физик география кафедрасининг мудири, география фанлари доктори, Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор

Ҳамидулла Ҳасанович ҲАСАНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент давлат медицина институти ректорати, партия ва касаба союз ташкилотлари ҳамда оператив хирургия кафедраси коллективи доценти Н. С. Саъдуллаевга онаси

Раҳбар УБАЙДУЛЛАЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

23 МАЙ, ПАЙШАНБА

МОСКВА-I. 9.00 — «Время». 9.40 — Мультфильмлар. 10.10 — «Саёҳатчилар клуби». 11.10 — «Кузги шудринглар». Бадиий фильм. 2 серия. 12.15 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.15 — Ҳужжатли фильмлар. 16.00 — «16 ёшгача ва ундан катталар». 16.45 — Ҳужжатли фильм. 17.55 — Ҳиндистон артистлари ижро этади. 18.40 — «Миллионлар ленинча университети». 19.10 — «Дунё воқеалари». 19.25 — «Москвичка». 20.25 — Ҳужжатли фильм. 21.30 — «Время». 22.00 — Футбол. СССР кубоги. Ярим финал. «Динамо» (К) — «Искра». «Шахтёр» — «Зенит».

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Ҳужжатли фильм. 9.35 — «Табиатшунослик». 9.55 — Илмий-оммабоп фильм. 10.15 — Испан тили. 11.05 — Ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчиларига. 11.35 — Зоология. 12.00 — Илмий-оммабоп фильм. 12.15 — «Оила ва мактаб». 13.10 — «Кураш ва норозилик қўшиқлари». 14.10 — «Сенинг ленинча кутубхонанг». 14.50 — «Мимино». Бадиий фильм. 16.20 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.50 — «Травкин сабоқлари». 2 кўрсатув. 19.20 — Киножурнал. 19.30 — Қишлоқ янгиликлари. 20.30 — «Хайрли тун, кичкинтойлар». 20.45 — «Шахмат мактаби». 21.15 — Концерт. 21.30 — «Время». 22.00 — «Юқори проба». Бадиий фильм. 2 серия.

ТОШКЕНТ-I. 10.00 — «Ахборот». 10.20 — Рус тили. 10.50 — «Ғўзаллик оламига саёҳат». 11.30 — Ўзбекистон ССР тарихи. 12.00 — Телефильм. 12.30 — Ўзбекистон ССР тарихи. 13.00 ва 18.00 — Янгиликлар. 18.15 — Мультфильм. 18.30 — Ўзбекистон матлубот кооперацияси системасида агросаноат интеграциясининг ривожланиши. 19.00 — «Ҳаёт каби тирик». 19.30 — «Ахборот». 19.45 — Театр учрашувлари. 20.30 — «Ахборот». 20.50 — Концерт. 21.30 — «Время». 22.00 — «Пилла — бойлигимиз». 22.20 «Икки Фёдор». Бадиий фильм. 23.45 — Янгиликлар.

ТОШКЕНТ-II. 9.00 — 16.25 — Москва-II. 18.05 — Ҳужжатли фильм. 18.35 — «Ашаддий душман». Бадиий фильм. 20.00 — Тошкент янгиликлари. 20.25 — Ҳужжатли фильм. 20.45 — «Ёшлик». 21.30 — Москва-II.

РАДИО

23 МАЙ, ПАЙШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — «Ялла» ансамблининг концерти. 9.30 — «Қувноқ оҳанглар». 11.15 — Болалар учун эшиттириш. 11.30 — «Ёшлар санъати». 12.10 — «Ишчинома». 13.00 — «Малши». 14.00 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун эшиттириш. 15.40 — «Синов». Радиоинсценировка. 16.00 — «Совет тупроғидаги учрашувлар». 17.00 — Ўқувчилар учун эшиттириш. 18.15 — «Халқаро кундалик». 18.30 — Еш дуторчилар чалади. 18.40 — «Аланга». 19.25 — «Юность Узбекистана». 20.50 — «Ҳозирги босқичда ғоявий кураш». 21.00 Ў. Ҳошимов. «Икки эшик ораси». Романдан парча. 21.20 — «Қишлоқ оқшомлари».

Редактор Л. ҚАЮМОВ.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Редакция адреси: 700047, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими телефонлари — 33-21-43, 32-53-16, 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06.

Р — 13770. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. ИНДЕКС 64583. А. — 118. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12